O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 30-sentabr, payshanba № 76—77 (8310) ISSN 2010-6416

БОҚИЙ ФИКРЛАР

Муаллим зоти эзгулик ва маърифат йўлининг беминнат чароғбонидир.

Алишер НАВОИЙ

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар!

Қадрли устозлар!

Аввалambор, сизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдираман.

Бугун дунёдаги энг улуғ ва шарафли касб эгаси бўлган азиз устозларга самимий тилакларимизни изҳор этар эканмиз, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг "Муаллим зоти эзгулик ва маърифат йўлининг беминнат чароғбонидир" деган ҳикматли сўзлари беихтиёр ёдимизга тушади.

Бундай юксак ва ҳаққоний баҳолар фарзандларимизни жисмоний ва маънавий етук, баркамол инсонлар этиб ўстириш, вояга етказишдек эзгу ва масъулиятли ишни ўз зиммасига олган юртимиздаги минг-минглаб жонкуяр устоз ва мураббийлар, ҳурматли домлаларимиз шаънига муносиб эканини барчамиз бугун чуқур англаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, кўз нури ва қалб қўрини, бутун онгли ҳаётини ёш авлодга билим ва тарбия беришга, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга бағишлаган, бир сўз билан айтганда, Ватанимизнинг эртанги кунининг пойдеворини яратаётган сиз азизларнинг кундалик олижаноб меҳнатингиз олдида таъзим этсак арзийди, албатта.

Ҳеч шубҳасиз, бу йилги байрамнинг "Баркамол авлод йили"да, унинг юксак мақсад ва вазифаларига уйғун ва ҳамоҳанг тарзда кенг нишонланаётгани бу айёмга алоҳида кўтаринки руҳ бағишламоқда.

Азиз юртдошлар!

Биз мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб таълим соҳасида эски ёндашувлардан бутунлай воз кечиб, янгича тамойилларга, миллий қадрият ва анъаналаримизга, илғор жаҳон тажрибасига асосланиб, ҳаётимизни тубдан янгилаш, узоқ ва давомли мақсадларимизни амалга ошириш учун таълим ва тарбия соҳасига устувор аҳамият қаратиб, бор куч ва имкониятларимизни шу йўлда сафарбар этмоқдамиз.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

Астанов Бахшилло Тешаевич — Жондор туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

Норбутаева Рабия Юлдашевна — Қарши транспорт касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Нормухамедова Гулчехра Нуримовна — Тошкент шаҳридаги имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Розумбетов Ибадулла Шарипович — Тўрткўл туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Тошпулатова Гулнора Абдирасуловна — Нуробод туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Ахадова Дилбархон Абдумаликовна — Наманган туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Бегимқулова Ханифа Кулниязовна — Қумқўрғон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Гаппарова Зульфия — Сардоба туманидаги Бўстон қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Сирдарё вилояти

Каримов Юлдош Халилович — Бахмал туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Курбанов Марат Галиевич — Яккама-якка кураш бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бокс бўйича катта мураббийи, Бокс бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи

(Давоми 2-бетда.)

ЭНГ УЛУҒ ВА ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Пойтахтимиздаги «Туркистон» санъат саройида 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами муносабати билан байрам тантанаси бўлиб ўтди.

(Давоми 4-бетда.)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ҚАЛБДА ФАХР ВА МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

бугунги кун ўқитувчилари ана шу туйғулар билан истиқболни кўзламоқда

6-бет

12—13-бетлар

ИБРАТ — ТАРБИЯ АСОСИ

20-бет

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Моҳияти ва аҳамиятига кўра чиндан ҳам ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш дастури бугунги кунда ҳаёт синовидан ўтиб, ўз ҳосилини бераётгани, халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётгани барчамизга ҳақли равишда ғурур-ифтихор бағишлайди.

Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан туриб, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида — тарихан қисқа бир даврда эришган, шу жумладан, таълим ва маърифат соҳасида қўлга киритган ютуқ ва марралари ҳақида келтирилган маълумотлар йиғилганларда катта қизиқиш ва ҳавас уйғотди.

Энг муҳими, ана шу давр мобайнида чуқур ўйланган ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширган улкан ишларимиз натижасида мамлакатимиз дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторида 12 йиллик мажбурий умумий ва ўрта махсус таълим тизимига ўтгани Ўзбекистонимиз эришган ютуқларнинг яққол тасдиғи сифатида қабул қилинди.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда кейинги ўн-ўн икки йил мобайнида 1 минг 394 та касб-ҳунар коллежи, 142 та академик лицей, 9 минг 772 та мактаб, ўнлаб олий ўқув юртлари янгитдан бунёд этилгани, реконструкция қилингани ва капитал таъмирланганининг ўзи тарихимизда илгари ҳеч кўрилмаган улкан ҳодисадир.

Ана шундай эзгу ишларимизнинг давоми сифатида махсус дастурлар бўйича 1 минг 200 та болалар спорти объекти барпо этилгани, 278 та мусиқа ва санъат мактабини янгитдан қуриш ва реконструкция қилиш ишлари олиб борилаётганини таъкидлаш лозим.

Айни вақтда ушбу масканларни замонавий талаблар асосида жиҳозлаш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, интернет тизимини кенг жорий қилиш, ўқув-машғулот ва лаборатория хоналарини ташкил этиш, дарслик ва қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш, малакали педагог ва мураббий кадрлар тайёрлаш учун қанча-қанча меҳнат, куч ва маблағ сарфлангани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Яна бир муҳим томони — узоқни кўзлаб амалга ошираётган бундай ишларимиз нафақат шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини, балки бутун жамиятимиз, аввало, ёшларимизнинг дунёқарашини, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий савиясини ўзгартириб, мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришда мустаҳкам пойдевор бўлаётгани билан айниқса эътиборлидир.

Албатта, олдимизда турган эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида яратилган барча кенг имкониятлар эътироф этилаётган бир пайтда, биз энг аввало бунёд этилаётган шароитларга бамисоли жон ва куч бераётган, уларни ишга солаётган муаллим ва мураббийларнинг оғир ва масъулиятли меҳнатининг ўрни ва аҳамиятини чуқур англаб, уларни муносиб қадрлаш ва баҳолаш барчамизнинг доимий эътиборимиз марказида туришини яхши тушунамиз.

Айни шу мақсадда педагог ходимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, иш ҳақини ошириш бўйича янги тизим жорий этиш, ўқитувчилик, мураббийлик, маърифат соҳасида жонкуярлик ва фидойилик кўрсатаётган инсонларни Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден-медаллари ва мукофотлари билан тақдирлаш масалаларини ўзимизнинг бурчимиз деб ҳисоблаймиз ва бундан кейин ҳам шундай бўлажак, иншоолло.

Бу ҳақда фикр юритар эканмиз, диққатингизни яна бир масалага жалб этишни истардим. Расмий маълумотларга кўра, сўнгги йилларда педагогика йўналиши бўйича олий ўқув юртларига ҳужжат топшираётган абитуриентлар сони энг юқори кўрсаткични, яъни 22,6 фоизни ташкил этмоқда.

Агарки, бу ниманинг далолати, деб сўраса, мен, бу биринчи навбатда мамлакатимизда ўқитувчилик чиндан ҳам шарафли касбга айланаётгани, ёшларимиз ўз ўрним, ўз бахтимни айнан шу касб орқали топаман, деб астойдил интилаётганининг далолатидир, деб айтган бўлардим.

Биз мамлакатимизни модернизация қилиш, ҳаётимизни янада эркинлаштириш ҳисобидан дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторига киришни ўз олдимизга буюк мақсад қилиб қўйган эканмиз, таълим-тарбия соҳасидаги ишларни асло бўшаштирмасдан, янги ва юксак босқичга кўтаришни замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Барчамизга аёнки, бугун ҳаёт шиддат билан ўзгариб, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун турли интилиш ва ҳаракатлар тобора кучайиб бормоқда.

Ана шундай мураккаб бир вазиятда миллий ўзлигини, кимнинг, қандай буюк зотларнинг вориси эканини, Ватан туйғусини чуқур англайдиган, иродаси мустаҳкам, юксак маънавиятли ёш авлодгина бизга ёт ва бегона бўлган зарарли таъсир ва оқимларга қарши тура олади.

Фарзандларимизни ана шундай эзгу фазилатлар руҳида тарбиялашда менинг энг яқин маслакдошим, кўмакчим ва суянчим бўлган сиз, муҳтарам муаллим ва мураббийлар ўзингизнинг билим ва тажрибангизни, куч-ғайрат ва маҳоратингизни аямайсиз, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз азизларимга — юртимиздаги барча ўқитувчи ва мураббийларга Ватанимизнинг бугунги равнақи, эртанги истиқболи йўлидаги масъулиятли меҳнатингиз учун халқимиз номидан, ўз номимдан яна бир бор чуқур миннатдорлик изҳор этишни ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Қадрли дўстлар!

Барчангизни қутлуғ байрамингиз билан самимий табриклаб, сизларга янги-янги ютуқлар, сиҳат-саломатлик ва бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик тилайман.

Умрингиздан барака топинг, ҳеч қачон кам бўлманг, азиз устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК МУКОФОТЛАШ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мансуров Тайирхон Темирович — Чиноз туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Менглиева Гулчеҳра Маҳмудовна — Навоий давлат кончилик институти қошидаги 2-академик лицей директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Навоий вилояти

Милладжанова Хосият Мадаминовна — Марғилон миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Нишанов Мадаминжон — Пахтаобод қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

Хусаинова Зухра Маткаримовна — Урганч шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини замонавий асосда такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғояга садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Наризова Иба Кушжановна — Конимех туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг директори, Навоий вилояти

Сафаров Уриш Нишонович — Оққўрғон туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Султанова Сунажан Матякубовна — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали қошидаги 1-академик лицейнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Алимов Ғайрат Маъсудович — Нурота қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

Бобоназарова Халима — Нарпай туманидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактабининг ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Ганиев Исламкул Туйчиевич — В.Успенский номидаги Республика мусиқа академик лицейининг ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Камалова Паршагуль Даулетмуратовна — Нукус давлат педагогика институти қошидаги 1-академик лицейнинг биология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Киямова Зульфия Султановна — Қарши шаҳридаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг немис тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Мавланова Хафиза Шариповна — Сирдарё туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Мамадалиев Исомиддин Имомалиевич — Янгиқўрғон туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Мамуров Эргаш Джуманович — Жиззах олимпия захиралари коллежининг белбоғли кураш бўйича мураббийи, Жиззах вилояти

Матмуратов Ихтиёр Курбанбаевич — Шовот туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Петрова Раиса Олеговна — Олмалиқ кончилик касб-ҳунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Рахманова Раънохон Мухтаровна — Олтинсой туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Рахматов Яраш Гадоевич — Ғиждувон туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Холиқова Одинахон Носировна — Қува туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Ҳалимов Тўра — Бухоро давлат университети қошидаги 4-академик лицейнинг тарих фани ўқитувчиси

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Баратова Мурават Рахимовна — Бекобод тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Бобоева Нодира Маҳмудовна — Чироқчи туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Тураев Фарход Рустамович — Яккама-якка кураш бўйича Республика Олий спорт маҳорати мактабининг дзюдо бўйича мураббийи, Тошкент шаҳри

«Дўстлик» ордени билан

Алиева Шарофатхон Абдужалиловна — Хўжаобод туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Вишневская Лариса Георгиевна — Собир Раҳимов туманидаги 242-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Жалилова Мухаббат Мухамадовна — Қизилтепа туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Ким Леонид Юнсенович — Юқоричирчиқ туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг оғир атлетика бўйича мураббийи, Тошкент вилояти

Мардонова Дилшода Рамазоновна — Когон қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Бухоро вилояти

Назирова Раъно Содировна — Ёзёвон туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Насирова Кунсулу Асаматдиновна — Мўйноқ туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Небиев Решат Бедрединович — Сирдарё туманидаги Малик агросаноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Рахманова Муяссар Гулимовна — Гурлан туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Родионов Георгий Васильевич — Самарқанд ахборот-коммуникация технологиялари ва саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Рустамов Абдурахмон Нематович — Жиззах туманидаги Учтепа қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Тураева Менгнор Хасановна — Ғузор қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг кимё фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Шокирова Саодат Иргашевна — Тўрақўрғон туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Эшназарова Хурсанд Кайюмовна — Узун туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

«Шуҳрат» медали билан

Абдиева Рўзихол Якубовна — Олот туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Абдикамалова Хурлиман Абдиразаховна — Нукус педагогика коллежининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Абдуллаев Мухтор Саъдуллаевич — Янгиариқ туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Аннакулова Назокат Эшалиевна — Термиз шаҳридаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ахмадалиева Саида Абдулхамидовна — Наманган шаҳридаги 60-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Президентининг Фармони

МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ ТЎҒРИСИДА

Ахтаев Фарход Умирзақович — Пахтакор туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Бекмуратова Арзаим Даулетмуратовна — Тахиатош шаҳридаги 8-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Бойматов Султон Қурашевич — Арнасой туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Болтаева Гулсина Файзуллаевна — Зафаробод туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Ботиров Шавкат Жонибекович — Қўшкўпир туманидаги 47-умумий ўрта таълим мактабининг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Вахобов Ахмаджон — Бўз туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Ёрматов Илхомжон Ибрагимович — Данғара транспорт касб-ҳунар коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Фарғона вилояти

Ибрагимова Ойдин Абдурахимовна — Мирзо Улуғбек туманидаги 525-мактабгача таълим муассасаси логопеди, Тошкент шаҳри

Избосаров Абдухошим Абдурашидович — Бешариқ туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Исмаилова Дильбар Мурахмедовна — Ҳамза маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Каипназаров Клишбай Каржауевич — Нукус туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Каюмова Махмудахон — Наманган шаҳридаги Давлатобод енгил саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

Кулманова Улжан Туйчиевна — Пахтачи туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Кушаев Рахимжан Балтабаевич — Амударё туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Мирзаев Обиджон Мўминович — Ўзбекистон туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Мирзаева Угилой Хакимовна — Ховос туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Мирзаева Фароғат Журакобиловна — Қарши давлат университети қошидаги академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Мирмахсудова Мавлуда Буриевна — Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти қошидаги Миробод академик лицейининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Набиева Парида Расулматовна — Ангрен шаҳар кимё саноати касб-ҳунар коллежининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Раматуллаева Оразгул Салиевна — Тахиатош ижтимоий-иқтисодиёт ва педагогика касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Расулов Абдусалим Шаймарданович — Шеробод туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Расулова Максад Парамановна — Қамаши туманидаги 4-Меҳрибонлик уйининг тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

Рафиева Дилфуза Турсуновна — Ғиждувон қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Рахманова Иноят Мухтаровна — Олтинсой маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Сабуров Мақсудбек Жуманиязович — Хива қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Сайибов Бегдулла Ташанович — Хатирчи туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Сапаров Мамадиёр Ражабович — Оқдарё маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Самарқанд вилояти

Сулайманов Абдулхафуз Рузиматович — Избоскан туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Ташанов Раббим Уролбоевич — Булунғур туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг юнон-рум кураши бўйича бош мураббийи, Самарқанд вилояти

Темирбаева Муккарам Калбаевна — Ўртачирчиқ туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабининг қозоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Усманов Қодиржон Аскарович — Чортоқ туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Файзиев Тохирбой Жахпарович — Паркент туманидаги 29-болалар мусиқа ва санъат мактабининг ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Фаттахов Мирзахмад Азизович — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейининг физика фани ўқитувчиси

Хакимова Хавасхон Маматкаримовна — Қувасой саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Халилова Мамлакат Камоловна — Бухоро туризм касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Ҳамракулова Махабатхон Абдураимовна — Бўз педагогика коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

Хужакулова Гулбиби Раббанаевна — Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Хусанова Раъно Абдуллаевна — Поп қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

Шарипова Мохира Ахматовна — Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг кимё-биология фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Шодмонова Дилором Бахромовна — Қарши туманидаги 52-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Шукурова Муборак Сайтқосимовна — Марҳамат туманидаги ўқувчиларнинг «Биоэкосан» маркази директори, Андижон вилояти

Шукурова Қурбаной Абдуразаковна — Сардоба туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Эгамбердиева Малохат Носировна — Жомбой туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Эсанов Элмурод Холикулович — Миришкор туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Якубов Махмадрахим Сариевич — Узун маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ғаниев Шерали Ўроқович — Оқдарё туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Ҳакимова Танзила Нориевна — Кармана туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 29 сентябрь

БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ

Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрамнинг асосий тантаналари олдидан пойтахтимизга республикамизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган бир гуруҳ устоз ва мураббийлар Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбарлар қўйишди.

— Бу ерда илгари ҳам бўлганман, — дейди Сурхондарё вилояти Бандихон туманидаги 27-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Нилуфар Саматова. — Бироқ мақсадлари муштарак инсонлар билан келсангиз — бунинг гашти, завқи бўлакча экан.

Мустақиллик майдонидан сўнг юртимизнинг энг илғор, энг намунали ва энг тажрибали ўқитувчи-мураббийларидан иборат гуруҳ яна бир сўлим маскан, Шаҳидлар хотираси хиёбонига йўл олди. "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси пойига гул қўйиб, ўтганлар руҳини ёдга олдилар. Шундан сўнг "Қатағон қурбонлари хотираси" музейига саёҳат уюштирилди. Музейдан ўрин олган халқимиз тарихининг энг оғир даврлари — мустабид тузум, қатағон қурбонлари ҳаёти акс этган экспонатлар меҳмонларда катта таассурот уйғотди.

Бу гал сайёҳлар гуруҳига хизмат қилаётган автобуслар карвони Темурийлар тарихи давлат музейи томон йўл олди. Қадрли устоз-мураббийларимиз илм-фан, санъат, маданият ривожига қўшган ҳиссаси орқали бутун жаҳонга ибрат бўлган буюк аждодларимиз ҳаёти, улар томонидан амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар.

Музейга келган ҳурматли устозлар саёҳат давомида ўзаро фикр алмашдилар, китоблардан олган билимларини сафар таассуротлари, жонли тасаввурлар билан яна бир карра бойитдилар.

(Давоми 4-бетда.)

ЭНГ УЛУҒ ВА ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИГА ЭҲТИРОМ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Reportaj

Юртимиз таълим тизимидаги муваффақиятларнинг халқаро миқёсда эътироф этилишида оддий муаллимнинг ҳам беқиёс ҳиссаси бор. Очиғи, ўтган ҳафтада БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида ушбу эътирофнинг яна бир бор жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олиниши ҳар бир ўқитувчини, умуман барча юртдошларимиз қалбини фахр ва ифтихорга тўлдиргани рост. Айниқса, Юртбошимизнинг олий минбардан туриб айтган юртимизда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10—12 фоизини ташкил этиши ва ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3—5 фоиздан ошмаслиги хусусидаги далиллари барчанинг эътибори ва эътирофига сазовор бўлди.

Айниқса, мамлакатимизда амалга оширилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлаш асносида қўлга киритилаётган муваффақиятлар алоҳида таҳсинга лойиқ. Бу — юртимиз истиқболи, фарзандларимиз келажаги кафолати демакдир.

Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами арафасида шулар хусусида ўйлаган киши беихтиёр бу байрам барча юртдошларимизнинг шодиёнаси эканлигини ҳис этади. Зеро, бугун фарзанди, невараэвараси, ука-синглиси, қўйингки, шу юрт ўғил-қизлари камолотини Ватан, эл-юрт истиқболи билан боғлиқ ҳолда тасаввур этмаган киши йўқ. Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг рўёби учун меҳнат қилаётган ҳар бир ватандошимизнинг азму шижоати, мақсад-муддаосида яққол намоён бўлмоқда.

Ўтган давр мобайнида Ватанимиз эришган ютуқ ва марраларни сарҳисоб қилар эканмиз, тарихан қисқа даврда юртимизнинг шаҳар ва қишлоқлари қиёфаси тобора чирой очиб, элимиз кўнглини ҳам обод қилаётгани, турмуш тарзи юксалиб, дунёқараши кенгайиб, интеллектуал бойлиги ҳам ошиб, ёшларимизнинг инсонни азизу мукаррам қилган шу муқаддас Ватанига муносиб фарзанд бўлиш, унинг шон-шавкатини ошириш йўлида шижоатининг ортаётганлигини англаш қийин эмас. Буни униб-ўсиб келаётган ўғил-қизларимизнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида маънан пок, билимли ва жисмонан соғлом бўлиб камолга етаётганида, халқаро фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида эришаётган муваффақиятларида кўриш мумкин.

Кеча пойтахтимизнинг муҳташам "Туркистон" санъат саройида 1-октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрамига бағишланган тантанада соҳа ходимлари юзидаги қувонч айни ўша ютуқлар эпкини эканлиги кишига ғурур бағишлади.

Байрам шодиёналари "Туркистон» саройининг олд саҳнида Республика Ўқувчилар саройининг тарбияланувчилари томонидан чалинган карнай-сурнай ва доира садолари билан бошланди.

Сарой фойесида улар иштирокида ОАВ учун суҳбатлар ўтказилди. Барчанинг юзида табассум, барчанинг меҳнатлари самараси ўз натижасини бераётганидан хурсандчилик намоён.

Таълим тизимидаги ислоҳотлар ва амалга оширилган янгиликларни ўзида мужассамлаштирган кўргазмаларда янги дарсликлар, халқаро олимпиадалар ва спорт мусобақалари ғолиблари ҳақида ҳикоя қилувчи турли альбомлар ва буклетлар намойиш этилиши баробарида ёш иқтидорли ўқувчиларимиз томонидан ижро этилаётган машҳур симфония ҳамда шу жойнинг ўзида ёш мўйқалам соҳиблари томонидан чизилаётган суратлар кишига ўзгача руҳ бағишлайди.

Муҳташам санъат саройининг саҳнаси ҳам барча илму толибларни зиёга ундаб маънавият улашаётган китобу дафтарларни акс эттирган декорациялар асосида жиҳозланган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Барча ҳаяжонда... Зеро, Юртбошимиз табригида бутун элнинг устозларга нисбатан билдиражак тилаги, умид-истаги мужассам. Жумладан, табрикда шундай дейилади.

«Биз мамлакатимизни модернизация қилиш, ҳаётимизни янада эркинлаштириш ҳисобидан дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторига киришни ўз олдимизга буюк мақсад қилиб қўйган эканмиз, таълим-тарбия соҳасидаги ишларни асло бўшаштирмасдан, янги ва юксак босқичга кўтаришни замоннинг ўзи талаб этмоқда».

Дарҳақиқат, ўқитувчига давлат раҳбари томонидан бутун халқ номидан билдирилган ишонч беихтиёр унинг кўзларига ёш қалқитди. Қалбида ўзига ишонч, янги куч-ғайрат уйғотди.

Бу байрам табригининг ҳар бир сўзи маъно-мағзини чуқур ҳис этаётган, қалбида ўз касбига нисбатан фахр туйғуси янада алангаланган ўқитувчи юзидаги ишончдан нишона.

Бугун ҳар бир ўқитувчи ўз дарсларига янгилик олиб киришга масъулият билан қараб, замонавий ахборот технологияларидан моҳирона фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Бундай педагогларни кашф этишда «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови катта аҳамиятга эга. Танловнинг илк босқичидан якуний турига қадар етиб келган ва ўз фани бўйича ғолиб деб топилган 14 нафар энг билимдон, энг тажрибали, энг моҳир педагог байрам тадбирининг азиз меҳмонлари сифатида саҳнага таклиф этилди ва уларга эсдалик совғалари топширилди.

Тантаналар давом этар, Президентимизнинг ўқитувчиларга йўллаган табригидаги ҳаётбахш ва қайноқ жумлалар ҳар бир иштирокчи юрагида акс садо берар, мусиқа ва қўшиқ садолари жаранглар экан, бундай ҳолатга гувоҳ бўлишнинг ўзи кишига аъло кайфият бағишлайди.

Минбарга кўтарилиб, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови ғолиблари номидан сўз олган Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги 15-умумтаълим мактаби инглиз тили фани ўқитувчиси Феруза Эркқулованинг ҳаяжони бир олам:

— Ҳозиргина барчамизга ўқиб эшиттирилган Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табриги шунчаки кутлов эмас, унинг мазмун-моҳиятида мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим сиёсати ўзининг қисқа ва лўнда ифодасини топган. Бу сўзлар ҳар бир ўқитувчи-мураббийнинг қалбида ўз касбига нисбатан рағбатни оширибгина қолмай, уни масъулиятга ҳам ундайди. 2010 йилда вилоятимиз қишлоқлари қиёфасига кўрк бўлиб тушган 14та янги мактаб биноси, 3та мусиқа ва санъат мактаби, янги аэропортни кўрган кишининг баҳри дили очилади.

Санъаткорлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Раҳматилла Шералиев машаққатли ва шарафли касб эгаларига ўз самимий тилакларини изҳор этиш баробарида улар меҳнатисиз мамлакат истиқболини тасаввур қилиб бўлмаслигини яна бир бор таъкидладилар.

(Давоми 24-бетда.)

БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ

(Давоми. Боши 3-бетда.)

В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун "Устозлар — юртнинг энг улуғ, азиз ва мўътабар кишиларидир" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Қатнашчилар дастлаб В.Успенский номидаги Республика академик лицейида яратилган шарт-шароитлар, таълим муассасаси фаолияти билан яқиндан танишиб, лицей ўқувчилари ижросидаги мусиқий асарлардан баҳраманд бўлдилар.

Янги ўқув йилидан амалиётга татбиқ этилган ўқувчилар билимини баҳолашнинг янги рейтинг тизими, "Устоз-шогирд мактаби", таълим даргоҳларида экологик таълимга берилаётган эътибор ва бошқа масалаларга доир саволларга мутахассислар томонидан маълумотлар берилди.

Ёшлар — келажагимиз. Уларнинг таълим-тарбиясида устоз-мураббийларимизнинг ўрни беқиёс. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами муносабати билан ўтказилган байрам тадбирида ана шу фикрга алоҳида урғу берилди.

Кўтаринки, байрамона руҳда ташкил этилган маросимда олий таълим тизимида фаолият юритаётган изланувчан, фидойи устозлар номлари фахр билан тилга олинди ҳамда энг фаол ўқитувчи-мураббийларга вазирликнинг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

— Бундай эътибордан бошимиз кўкка етди, — дейди Тошкент давлат иқтисодиёт университети педагогика-психология кафедраси доценти Феруза Акромова. — Эътироф ва илиқ сўзлар ғайратимизга ғайрат қўшиши тайин.

Ўзбекистон Миллий университети стадиони ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги сув спорти саройида «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни»га бағишланган спорт мусобақаларининг якуний республика босқичи ўтказилди.

Ўқитувчи-мураббийлар енгил атлетика (100 метрга югуриш), ёзги биатлон, баскетбол, стол тенниси ва сузиш бўйича куч синашишди.

Аҳамиятли томони, ўқитувчилар билан бир қаторда ўз мактаби, тумани ва вилояти шарафини ҳимоя қилиш учун ўқувчилар ҳам жалб этилди. Мазкур жиҳат спорт ҳам катталар, ҳам ёшларни бирлаштиришга ёрқин мисолдир. Негаки, шу йўл билан ўқув муассасасида ҳам, унинг ташқарисида ҳам соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун имкон туғилади.



Бўз туманининг Жийдақатор қишлоғидаги шўрхок далада 10-15 чоғли болалар мол, қўйларни боқиб юришибди. 12-13 ёшлардаги Камолиддин ҳам улар билан бирга. Бу гал Камолиддиннинг қўлида ҳеч қандай китоб бўлмагани учун (у бадиий китоб ўқишни яхши кўради) болалар суҳбатига келиб қўшилди.

Шу чоғ каттароқ бир бола қўйнидан китоб чиқариб: — Манави мураккаб жадвални, (у китобнинг ички муқовасидаги аллақандай рангли жадвални кўрсатиб уқтирди) ҳеч ким ёдлай олмаяпти...

Биров у деди, биров бу. Хуллас 7-8-синфда ўқийдиган болаларнинг барчаси кимё дарслигининг қийин ва мураккаб эканини такрорлай-такрорлай тарқалишди.

Даврада ёлғиз қолган Камолиддин китобни қўлига олиб, у ёқ-буёғига қаради. Саҳифалардаги жадвал ва қоидаларни кўздан кечирди. Ички муқовадаги жадвални томоша қилиб, нотаниш ҳарфлар, шаклларга тикилди.

Қулоқлари остида болаларнинг «Ҳеч ким ёдлай олмайди» деган сўзлари такрорланар, бунинг нимаси қийин, деган ўй хаёлидан ўтарди. Камолиддин деярли бир ҳафта давомида кимё китобини ўзича мутолаа қилиб юрди. Жадвални қайта-қайта такрорлайверди, охири бинойидек ёдлаб олди. Болалар бундан ниҳоятда ҳайратланишди.

Ehtirom

КАХРАМОНЛИК — МЕХНАТСЕВАРЛИК, ФИДОЙИЛИК!

Ҳа, бугун мамлакатимиз муаллимларининг ҳақиқий фахрига айланган кимё фани ўқитувчиси, Шаҳрихон туманидаги 53-ихтисослашган мактаб директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори, Ўзбекистон Қаҳрамони Камолиддин Ғофуров кимё фани, машҳур кимёгар Менделеевнинг даврий жадвали билан илк дафъа шу тарика танишган эди.

Ўшанда ушбу китоб унинг тақдирини маълум бир йўналишга буришини, эл ҳурматига сазовор этилишини тасаввур ҳам қилмаган эди. Ҳалол меҳнат, касб ардоғи, шогирду ўқувчиларга муҳаббат, касбдошларига самимият, атрофдагиларга эҳтиром Камолиддин Ғофуровни юксак чўққилар сари бошлади.

— Икки йилдан кейин мактабда кимё фанини ўргана бошладик, — дейди Камолиддин ака. — Бўз туманидаги 2-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Акбарали Мўминов мен билан алоҳида шуғулланa бошлади. Дастлабки ютуқлар, фан олимпиадаларидаги иштироким шу домланинг рағбатлантириши билан боғлиқ. Мактаб директори Николай Новиков ҳам биз ўқувчилардаги "йилт" этган иқтидорни ҳар томонлама қўллаб-қувватлар эди.

У 1963 йилдан Шаҳрихон туманидаги 61-мактабда ўқишни давом эттирди. Бу мактабда Ҳабибулло Абдураҳмонов, Қундузхон Раҳмонова (директор), Муҳаммаджон Саидаҳмедов (география) каби билимли, изланувчан муаллимлар бўлгуси кимё билимдонини тарбиялашга муносиб ҳисса қўшди.

— Талабалик — ҳаётимдаги энг унутилмас дамлар... Андижон давлат педагогика институтининг кимё факультетидаги устозлар бизга фаннинг сир-асрорларини қунт билан ўргатдилар, — дея эътироф этади К.Ғофуров.

Кимё фанлари номзоди, доцент Ғуломнаби Ҳакимов, биология фанлари доктори, профессор Геннадий Дубовский, доцентлар Боқижон Абдурашидов ва Тўхтасин Насриддиновнинг маъруза ва машғулотлари шу даражада жонли эдики, талабаларни кимё фани сир-синоатлари билан сеҳрлаб қўярди.

— Институтни тамомлаб, ўзим ўқиган 61-умумтаълим мактабига ишга келдим. Ушбу даргоҳ муваффақиятларимнинг асосий пиллапояси бўлди, — дейди Комилжон Ғофуров.

Дарҳақиқат, мактаб жамоаси ёш, изланувчан муаллим учун барча шароитни яратиб берди. Унинг мактабда амалга оширган илк иши — кимё фани бўйича тўгарак ташкил этиб, иқтидорли ўқувчиларни фан олимпиадаларига тайёрлади. Педагогика институти, малака ошириш институти, методика кабинетлари билан боғланиб, фан олимпиадалари материаллари жамланган ахборотлар мажмуини яратди.

Икки-уч йилдаёқ дастлабки натижалар кўзга ташланди. Мактаб ўқувчилари туман, вилоят фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллай бошлади. Жумладан, Абдурасул Қодиров кимё фани бўйича туман, вилоят олимпидаларида ғолиб бўлди. Навбат олимпиаданинг республика босқичига келди. Устоз минг ҳаяжон билан ўқувчисини ушбу синовга ҳозирлади. Билим, тажриба ўз сўзини айтди. Абдурасул бу босқичда ҳам ғолиб бўлиб, ҳатто Россиянинг Донецк шаҳрида ўтказилган халқаро олимпиадада республика шарафини ҳимоя қилди ва учинчи ўрин соҳиби бўлди.

Абдурасулнинг ғалабаси бошқа иқтидорли ўқувчиларни ҳам руҳлантириб юборди. Камолиддин Ғофуров мактабда фаолият юритган 1971—1992 йиллар оралиғида 17 нафар ўқувчи республика олимпиадасида иштирок этиб, ғолибликка эришди. 7 нафар ўқувчи Д.И. Менделеев номидаги халқаро кимё олимпиадасида қатнашиб 1та учинчи ва 1та тўртинчи ўринни забт этди.

Истиқлол барча соҳаларда янгиланишларга асос солди. 1992 йилдан бошлаб Андижон вилоятида ҳам янги турдаги таълим масканлари ташкил этила бошланди. Вилоятда биринчилардан бўлиб Шаҳрихон туманида кимё ва биология фанлари чуқур ўргатиладиган лицей-интернат ҳам фаолиятини бошлади. Камолиддин ака севимли ишини шу лицей-интернатда давом эттирди. Тажрибали педагог, устоз Эгамбой Турсунов «олимпиадачи домла»га барча шароитларни яратиб берди. Ўша йиллари янги турдаги таълим муассасалари фаолиятига доир қўлланма, йўриқнома ва тавсиялар ҳали етарли эмас эди. Шундай бўлсада, ўқувчилар билим самарадорлигини оширишнинг энг қулай, мақбул усулларидан фойдаланилгани боис, илк битирувчиларнинг 90 фоизи олий ўқув юртларига муваффақиятли қабул қилинди.

Яхши муаллим ўқитиш сифати, ўқитиш воситалари, дарсликлар, ўқув қўлланмалари самарадорлиги борасида бош қотириши зарур. Камолиддин Ғофуров ҳам ўқув қўлланмалари ва дарсликлар яратиш, ўқитишнинг самарали усулларидан фойдаланиш борасида мутасил иш олиб борди.

1988 йили кўп йиллик тажрибалари асосида ўқув қўлланмаси яратишга киришди. Андижон давлат университети доценти Тўхтасин Насриддинов билан ҳамкорликда тайёрланган «Кимёдан масалаларни МК ва ЭҲМда ечиш» ўқув қўлланмаси талабалар ва мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган эди. Мактаб ҳамда олий ўқув юртида олиб борилган кузатишлар, шу каби қўлланмалар ўқитиш самарадорлигида муҳим аҳамият касб этишини кўрсатди. Ижодий изланишлар, тажриба ортиши иккинчи тўпламнинг яралишига сабаб бўлди. Шу тариқа домла Ғофуровнинг қўлланма дарсликлари сони 25 тага етди.

Бу йўлда чекилган заҳматлар ўзининг ҳақиқий баҳосини топиб, 2006 йили 7-синф «Кимё» дарслиги «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» танловида фахрли 3-ўринни, 9-синф «Кимё» дарслиги ва «9-синфда Кимё ўқитиш» методик қўлланмаси 2007 йили шу танловда 3-ўринни, 8-синф «Кимё» дарслиги эса 2008 йили биринчи ўринни эгаллади. Ушбу дарсликлардан айни пайтда мамлакатимизнинг барча умумтаълим мактабларида фойдаланилмоқда.

Камолиддин Ғофуров ташаббуси билан 61-мактабда кейинги йилларда тажриба тариқасида кимё ва биология фанлари чуқур ўргатиладиган иккита синф ташкил этилди. Муаллимлар изланишлари, махсус синфлар ўқувчиларининг астойдил ҳаракатлари туфайли дастлабки битирувчиларнинг 90 фоиздан зиёди юқоридаги йўналишлар бўйича олий ўқув даргоҳларига ўқишга қабул қилинди. Бундай натижа ота-оналар, ўқувчиларни бефарқ қолдирмади, албатта. Кейинги йили махсус синфда ўқитиш истагини билдирганлар сони икки баробар кўпайди. Вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларидан ҳам «Ғофуровнинг синфи»да ўқийман деган ўқувчиларнинг кети узилмасди.

Нима қилмоқ керак? Ўқувчи ўқишни истаса, ота-она шароит яратиб бермоқчи бўлса, бу — қандай яхши! Камолиддин ака шогирдлари, мактаб муаллимлари билан маслаҳатлашди. Кўпчиликнинг фикри бир жойдан чиқди: кимё ва биология фанларини чуқур ўқитадиган мактаб ташкил этиш керак! Аммо ихтисослашган мактаб ташкил этишнинг ўзи бўлмайди. Туман халқ таълими бўлими билан обдон маслаҳатлашиб, туман ҳокими Фазлиддин Расулов хайрихоҳлигида Назармаҳрум қишлоғида кимё ва биология фанларини чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган 53-сонли мактаб ташкил этиш ҳақидаги қарор чиқди. Мактаб директори этиб Камолиддин Ғофуров тайинланди. Мактаб учун Шаҳрихондаги собиқ қишлоқ хўжалик техникумига қарашли анча уриниб қолган, таъмирталаб тўрт қаватли бино берилди. Таъмирлаш ишларига кўплаб ташкилотлар ҳомий сифатида ёрдам кўрсатдилар. Муаллим-мураббийлар ҳар бир ишда қурувчилар билан елкама-елка туриб меҳнат қилишди.

Дастлаб мактаб 11та синф билан иш бошлаган бўлса, ҳозирда синфлар сони 31тага етди. Ўқитувчи ва ўқувчилар учун яратилган шароитлар йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида 77 миллион 300 минг сўм маблағ ҳажмида капитал таъмирланган ўқув даргоҳи янги ўқув жиҳозлари билан таъминланди. 2та бошланғич синф хонаси, 2та 5—9-синфлар учун ўқув хонаси, 1та физика, 1та кимё лаборатория хона, 1та биология ва 1та чизмачилик хонаси тўлиқ жиҳозланди. Айни пайтда 987 нафар иқтидорли ўқувчи юқоридаги қулайликлардан фойдаланган ҳолда таҳсил олмоқда.

Мактаб битирувчиларининг олий ўқув юртларига кириш натижалари жуда қувонарли. 2003 йили мактабни 35 нафар ўқувчи тамомлаган бўлса, уларнинг барчаси ўша йили талаба деган шарафга эришди. 2004 йили 36 нафар битирувчининг барчаси, 2005 йили 43 нафар битирувчининг 41 нафари, 2006 йилда 52 нафар битирувчининг 45 нафари олий ўқув юртларига қабул қилинди. Хуллас, 2003-2010 йиллар оралиғида мактабни тамомлаган 558 нафар битирувчининг 421 нафари олий таълим муассасалари талабаси бўлди.

Шунингдек, мактаб ўқувчиларининг фан олимпиадаларидаги иштироки ва натижалари ҳам қувонарли. 2003—2010 йиллар давомида 106 нафар иқтидорли ўқувчи вилоят олимпиадаларида иштирок этиб, уларнинг 29 нафари фахрли ўринларни эгаллади. 8 нафар ўқувчи олимпиаданинг республика босқичида совринли ўринларни эгаллади.

— Ҳар бир ўқувчи билан алоҳида шуғулланиш керак. Ундаги иқтидорга қараб вазифа ва топшириқлар бериш лозим. Мен икки, уч машғулотда болаларни даражага ажратаман. Энг юқори даражадаги ўқувчига алоҳида, ўрта ва паст даражадаги ўқувчига алоҳида (имкониятга қараб) топшириқлар берилади. Машғулотларда хилма-хилликка интиламан. Аксарият дарсларда мантиқий масалалардан ҳамда машғулотларда, албатта, қўшимча адабиётлардан фойдаланаман. Такрорлаш хотирани чархлайди, деган иборага доимо амал қилиб келдим.

Камолиддин аканинг ажойиб, ибратли оиласига кўпчилик ҳавас қилади. Шаҳрихон туманида ушбу оила зиёсидан баҳраманд бўлмаганлар кам топилади. Оила бекаси Раҳбарой опа беш фарзандни тарбиялаб камолга етказишда Камолиддин акага чинакам йўлдош бўлди.

— Мени қаҳрамон қилган асли Раҳбарой опангизнинг сабри, матонати, — дейди Камолиддин ака ҳазил, чин аралаш. — Оила дегани доимо хуш-хандон, жаннатий гўша эмас, унда камчиликлар, қийинчиликлар ҳам бўлиб туради. Шундай ҳолларда мен доимо Раҳбаройга суянганман. Оиладаги соғлом муҳит, албатта, фарзандларга ўз таъсирини ўтказди. Фарзандлари — Шарофиддин, Марғуба ва Дилмурод ота касбини танлашди. Шарофиддин ва Марғуба 53-мактабнинг энг илғор муаллимларидан. Дилмурод Фарғона политехника институтининг кимё-технология факультетини битириш арафасида. Зарифа ва Зуҳрахон ҳам бошқа касб эгаси бўлсалар-да, кимё-биология бўйича оилавий суҳбатларда бошқалардан қолишмайди.

Камолиддин Ғофуров — Ватанимизда таълим соҳаси ривожига қўшаётган ҳиссаси, машаққатли меҳнати эъзозланган оддий, заҳматкаш ўзбек муаллими. Унинг кулган тақдири, сарбаланд толеи Она Ўзбекистонимизда ҳар бир инсон ўз меҳнати, ибрати билан шундай қутлуғ мартабага эришиши мумкинлигини исботлаб турибди. Унинг меҳнатсеварлиги, фидойилиги, касбига бўлган садоқати тақдирида мўъжиза яратди.

Орифжон СИДДИҚОВ
Андижон вилояти

E'tirof

ҚАЛБДА ФАХР ВА МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

бугунги кун ўқитувчилари ана шу туйғулар билан истиқболни кўзламоқда

Мамлакатимизда таълим соҳасига, айниқса, ёш авлодни камол топтиришга катта эътибор қаратилаётгани нафақат халқимиз томонидан, балки дунё миқёсида ҳам эътироф этилмоқда. Ўтган ҳафтада БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисда ушбу эътирофнинг яна бир бор жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олиниши қалбимни фахр ва ифтихорга тўлдирди.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз томонидан юқори даражадаги минбардан туриб айтилган қуйидаги маълумотлар юртимиздаги барча таълим тизими ходимларига билдирилган ишончнинг ифодаси бўлиши баробарида, уларни ўз ишларига янада масъулият билан ёндашишга ундади: “Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10—12 фоизини ташкил этди. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3—5 фоиздан ошмайди. Мамлакатимизда ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилди, 2009 йилдан бошлаб 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди.”

Бир таҳлил қилайлик, ўтган қисқа, аммо асрларга татигулик мустақил тараққиёт йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз таълим тизимида кенг миқёсдаги ислоҳотлар даври бошланди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бугун собиқ иттифоқ давридан «мерос» ўтган чекка қишлоқ ва шаҳар мактаблари ўртасидаги катта тафовут тўлиқ барҳам топди. Бунга қўшимча равишда таълим тизимининг узлуксизлигини таъминловчи ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўғини яратилиб, ўқувчиларнинг замонавий билимлар билан бирга реал иқтисодий талабдан келиб чиқиб зарур касбларни эгаллаши учун барча шароитлар яратилди.

Бизнинг мактаб ҳам 2008 йили Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида жорий таъмирланиб, замонавий ўқув лаборатория жиҳозлари, компьютер технологиялари билан таъминланди.

Бугунги кунда таълим муассасасида ташкил этилган Директор фондидан касб маҳорати, ўқитишнинг ва синфдан ташқари тарбиявий ишларининг юқори самарадорлиги учун мактабнинг ўрнак кўрсатган ўқитувчилари ойлик маошига қўшимча 40 фоизгача устама ҳақ олмоқда. Уларнинг барчаси белгиланган муддатда малака ошириш курсларида ўз тажриба ва маҳоратларини ошириб қайтишяпти. Энг муҳими, малака ошириш курсларида орттирган тажрибаларини таълим жараёнида қўллаш билан бирга ўзлари ҳам дарс ўтишнинг янги ва самарали услубларини яратмоқда.

Асосий мақсадимиз — ўқувчиларнинг билим самарадорлигини ошириш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш ҳамда ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказишдан иборат экан, саъй-ҳаракатлар шунга яраша бўлиши лозим. Ўқитувчилик касбини танлаган ҳар бир инсоннинг ўз умрини шу соҳага бағишлаши камлик қилади. У мактаб жамиятнинг энг муҳим бўлаги эканлигини, бу даргоҳ мамлакат тараққиётини белгилашини ҳар дафъа кўнглидан ўтказиши лозим. Ва бунда, албатта, ўзининг улуши борлигини ҳар қандай педагог ҳис қилади.

Соғлом ва барқарор педагогик жамоани тўплаш, уларни ягона мақсад йўлида бирлаштириш ҳар бир мактаб олдидаги муҳим вазифа, деб ўйлайман. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан бошланган ва анъанавий тус олган «Устоз-шогирд» мактаби тизими барча умумтаълим мактаблари сингари бизда ҳам қизиқиш ва мамнуният билан кутиб олинди. Бунга мувофиқ, мактабимизда 12та ана шундай илғор тажриба мактаби фаолият кўрсатмоқда.

Ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, ҳар бир мактабда, ҳар бир ўқитувчида ўзига хос ҳаётий тажриба бўлади. Вазирликнинг ташаббуси билан жорий этилган мазкур тизим педагогларни ўз ички имкониятларидан самарали фойдаланишга ундагани билан аҳамиятлидир. Бу тажриба ўқитувчилар ўртасида, ҳудуддаги мактаб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасида дўстона ижодий муҳитнинг янада мустаҳкам қарор топишига ҳам туртки бўлди. Зеро, тажрибали ва фидойи ўқитувчининг ёш мутахассис билан ҳамкор-ҳамфикрлиги бир мақсаддаги ижодий изланишларни бирлаштириш, фаоллаштириш имкониятини яратди. Ўқитувчиларнинг ўзаро дарсларда, қўшимча машғулотларда бир-бирларининг ишини таҳлилга тортиши, педагогик янгиликларни кашф этишга кўмаклашиши баробарида уларни ўз устида кўпроқ ишлашга ундамоқда.

Ҳар бир машғулотга алоҳида тайёргарлик кўрмай туриб, дарсга кириш — кечириб бўлмас ҳол. Айниқса, бугунги глобаллашув даврида ёшларимиз онгини турли ёт ғоя ва таҳдидлардан ҳимоя қилиш, энг аввало, таълим даргоҳлари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Биринчи галда дарсларимизга мазмун ва сифат бағишлашимиз керак. Шу нуқтаи назардан, янги ўқув йили олдидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг қўшма буйруғига асосан «Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг иш юкламасини белгилаш ва тақсимлаш бўйича Йўриқнома» тасдиқланди. У таълим-тарбия соҳасини изчил такомиллаштириш жараёни кечаётган айни пайтда ўқитувчининг иш ҳужжатлари юритиш тизимини мувофиқлаштиришга хизмат қилмоқда. Зеро, бунга қадар ўқитувчи иш юкламасини белгилаш ва тақсимлаш, шунга асосан иш ҳақи ва устама ҳақларни белгилашда ортиқча қоғозбозликларга йўл қўйилаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас эди.

Бугунги кунда ўқитувчининг энг аввало, дарсга тайёргарлик кўриши, қўшимча маълумотлар билан танишиши ва кўргазмали воситалар яратишига муҳим эътибор қаратилаётир. Табиийки, тараддуднинг маромида бўлиши амалга ошириладиган вазифанинг намунали бажарилишини кафолатлайди. Бир соатлик дарс жараёни ҳам худди шундай. Намунали ҳозирлик билан ўтилган ҳар бир машғулот ўқувчининг ўзлаштириш самарадорлиги омилидир. Шу боис таълим муассасалари ўқитувчилари бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратиши зарур. Мактаб раҳбарияти, қолаверса халқ таълими бошқарув органлари, методистлар мураббийга методик кўмак беришга доим тайёр бўлиши талаб этилади.

Ўз ўрнида тан олиб айтиш зарурки, жойларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида жиҳозланган таълим муассасаларининг кимё, биология, физика лаборатория хоналари, компьютер синфлари имкониятларидан тўлиқ фойдаланмай келинаётган ҳолатлар афсуски ҳалигача кам эмас. Бу ҳам соҳа ходимлари масъулиятини яна бир карра ошириб, ўз устида кўпроқ ишлашни талаб этади.

Ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида ўқитувчи ҳар бир бола билан алоҳида ишламоқда. Бунда ўқувчининг лаёқати ва иқтидорига кўра фаолият олиб бораётган маълум бир фанларга ихтисослаштирилган мактаб ёки синфларнинг ўрни алоҳида. Очиғи, 1995 йил сентябрдан иш бошлаган мактабимизнинг қисқа фурсатда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлишида жамоамизнинг ҳар бир ўқувчи иқтидорини эрта кашф этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари омил бўлди, десам муболаға бўлмайди.

1997 йили педагогларимиз ташаббуси билан мактабда математика, инглиз тили, физика фанлари чуқурлаштириб ўтиладиган синфлар очилди. Бу синфларда фанлар чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитилмоқда. Ўқувчиларимиз ўз иқтидори ва маҳоратини фан олимпиадалари ва бошқа кўрик-танловларда намойиш этиб, юзимизни ёруғ қилаётганидан фахрланамиз. Ҳозирги кунда мактабимиз юқоридаги фанларга қўшимча равишда она тили, инглиз тили ва тарих фанларига ихтисослаштирилган бўлиб, машғулотлар тажрибали ўқитувчилар томонидан олиб борилмоқда.

Мактабда ижро интизомининг тўғри йўлга қўйилганлиги, яратилган ижодий муҳит барчани фаолликка ундайди. Ҳар бир ўқитувчи, синф раҳбари синфдан ташқари ишларда ҳам масъул. Энг муҳими, синф раҳбарларининг бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишлаш тизими эътиборга лойиқдир. Мактабда бўш ўзлаштирадиган ўқувчилар ҳақида нафақат синф раҳбари, балки ҳар бир фан ўқитувчиси ҳам қайғуриши талаб этилади.



Бунда ўқувчининг фаол ва аълочи синфдошлари таъсир кучидан ҳам унумли фойдаланишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Ўзлаштириш қийин кечган мавзулар бўйича ўқувчи ўз тенгқуридан содда тушунча олса, устоз эса уни тўлдириб ўқувчининг қизиқишига туртки бўлувчи янги маълумотларни келтириши ижобий самара беради. Бўшлиқларни тўлдириш, бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишлашда ота-оналарнинг кўмаги, улар билан ҳамкорликнинг намунали ташкил этилиши ҳам катта аҳамиятга эга. Фан ўқитувчиси ёки синф раҳбари, албатта, бўш ўзлаштирувчи ўқувчининг уйига бориб, унинг қизиқишлари, оилавий шароити ва дўстлари билан танишиши, ота-онаси билан доимий мулоқотда бўлиш ўзига хос масъулият, тажриба ва маҳорат талаб этади.

Мактаб ва ота-оналар ҳамкорлигини ошириш мақсадида очиқ дарслар, очиқ эшиклар куни ташкил этилмоқда. Ота-она фарзандининг дарсдаги ҳолатини кузатиб, ютуқ ва камчиликларининг фан ўқитувчилари, синф раҳбари иштирокида муҳокама қилинишига эришиш мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигининг самарали ишлаётганидан далолат беради. Шу нуқтаи назардан, мактабимизда ҳар чорак якунида ота-оналарнинг фарзандлари билимини холисона баҳолаш учун ўзига хос янгилик йўлга қўйилган. Ҳар чорак якунида ота-оналар мактабга таклиф этилади. Фанлардан бўладиган якуний дарсларда улар ўз фарзандларининг билимларини синовдан ўтказиб баҳолайди. Бу адолатли баҳолаш тизими ҳам самарадорликни оширишга хизмат қилаётир.

Ҳар бир фан дарсларининг тўгарак машғулотларида амалий жиҳатдан мустаҳкамланиши ҳам таълим муассасалари олдида турган долзарб вазифалардандир. Ўқувчининг мактабдан бўш вақтини намунали ва мақсадли ташкил этиш унинг келажагини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ўқувчилар мактабда маҳаллий шароитдан келиб чиқиб ўз қизиқишига кўра ташкил этилган тўгаракларида жисмоний баркамолликка интилиб, ҳаётий зарур ҳунарларга ҳам эга бўлмоқда. Янги ўқув йилидан мактабимиздаги тўгараклар яна биттага кўпайди. Нарпай йўл қурилиш касб-ҳунар коллежининг жисмоний тарбия ўқитувчиси, бадиий гимнастика мураббийси Чарос Ризаева томонидан ташкил этилган бадиий гимнастика тўгарагига қишлоқ қизлари ҳам жалб этилгани, уларнинг соғлом ўсаётгани ота-оналарни ҳам қувонтирмоқда.

Бугунги давр ҳар кимдан ташаббускорликни, янгидан-янги бунёдкорлик ишларини амалга оширишни талаб этади. Биз ҳам ички имконият ва табиий шароитдан келиб чиқиб, таълим-тарбия жараёнини сифатли ташкил этиш мақсадида кичик бир ташаббусни амалга оширдик. Яъни, бюджетдан ташқари қўшимча даромад топиш мақсадида мактабимиз томорқасида мевали ва иморатбоп дарахт ниҳолларини ўстириб, бугунги кунда салмоқли даромад олмоқдамиз. Бу таълим муассасаси ҳудудини ободонлаштириш ишларининг ҳам яхшиланишига ва туманда «Гулзор мактаб» номига сазовор бўлишимизга туртки бўлди. Олинаётган фойда эса мактабни таъмирлашга, илғор ўқитувчи ва иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириш ва эҳтиёжманд оила фарзандларини ижтимоий ҳимоялашга сарфланаяпти.

Боқимандалик кайфияти кишини, жамиятни таназзулга бошлашига яқин ўтмишимизда ўзимиз гувоҳ бўлдик. Тарих сабоғидан тўғри хулоса чиқарган ҳолда янгиликка, эзгуликларга эш бўлиб яшашимиз ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимизга айланмоғи лозим. Бунда яна бир ҳақиқат борки, зиёли, ўқитувчи — устоз ҳамиша пешқадам бўлган. Демак, бугунги кун муаллимининг масъулияти ҳар қачонгидан-да, залворли. Зеро, юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, фарзандларимиз — келажак авлодга, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, озод ва обод Ватан қолдириш бизнинг энг олий ва муқаддас бурчимиздир!

Зиёдулла САНАЕВ,
Нарпай туманидаги
52-умумтаълим мактаби
директори,
Ўзбекистон халқ
ўқитувчиси

МУАЛЛИМНИНГ ЯНГИ УЙИ

ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИ КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА ЯНАДА КЎПРОҚ МЕҲНАТ ҚИЛИШ ИМКОНИНИ БЕРМОҚДА, ДЕЙДИ САРДОБАЛИК ПЕДАГОГЛАР

Оиласи, уйи тинч кишининг бахти бекам. Шу боис, дўсту биродарларнинг ҳол-аҳволини билмоқчи бўлсак, «Хонадонлар тинчми, бола чақанг яхшими», деб сўраймиз. «Фарзандларимнинг ҳаммасини уйли-жойли қилганман», дея мамнуният билан гапиради оталар. Бунинг замирида халқимизнинг энг азиз қадрияти ётади, яъни оила, фарзанд, ота-она ва уларнинг фаровон ҳаётини умрнинг мазмуни деб билиш.

Кўриниб турибдики, қурмоқлик, яратмоқлик, бунёдкорлик хислатлари халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Лекин қуришда ҳам қуриш бор. Ҳар ким ҳам ўзи орзу қилганидек кўркам, тиббий, санитар-гигиеник талабларга мос келадиган, оила аъзоларининг барча эҳтиёжларига жавоб бера оладиган уйни бирданига қуриши қийин. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори** эса бу борада юртдошларимизга катта қулайлик ва имтиёзларни яратди. Унга кўра мамлакатимизнинг барча ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қурила бошланди. Таъкидлаш ўринлики, бевосита Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ушбу бунёдкорликлар қишлоқ аҳолисининг турмуш сифатини яхшилаш, транспорт-коммуникация, тоза ичимлик суви таъминоти, телекоммуникация ва почта алоқаси тармоғи каби муҳим масалаларда ҳам улар учун кенг имкониятлар яратмоқда. Биз учун яна бир қувончли томони эса айни пайтда ана шундай кўзни қувонтирадиган замонавий уйларга кўчиб ўтаётган юртдошларимиз орасида ўқитувчиларнинг ҳам кўплигидир.

Bu muqaddas Vatanda azizdir inson

Хайру баракотли элнинг хурсандчилик кунлари кўп бўлади. Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами катта бир шодиёна бўлса, байрам арафасида устозларнинг янги ҳовли-жойларга кўчиб ўтиб, уй тўйини бошлаб юборгани ҳақидаги хабарлар бу қувончларга қувонч қўшмоқда.

— Президентимизга минг раҳмат. Оддий ўқитувчи мана шундай кошоналарга эга бўлади, деб ким ҳам ўйлаган эди. Қаранг, пишиқ ғиштдан қурилган, ҳар қандай хорижликларни-да ҳайратда қолдирадиган бу уйлар тайёр ҳолда топширилди. На бозорга бориб қурилиш материали харид қилдик, на қурилиш машаққатларини ҳис қилдик. Худди эртаклардагидек, қўлимизга тайёр саройнинг калитини топширишди. Фарзандларимиз учун алоҳида-алоҳида уйлар, меҳмонхона, ошхона, ҳаммом, кенггина ҳовли, машинангиз туриши учун жой... Тўғриси, орзу қилганимиздан ҳам афзал.

Бу бир ўқитувчининг самимий дил сўзлари. Бугун юртимизнинг турли гўшаларида ана шундай имкониятларга эга бўлган юзлаб ўқитувчилар қалбидан ҳам шу каби ҳис-туйғулар ўтаётгани шубҳасиз.

ҲАР ГЎШАДА БИР ЯНГИ ҚИШЛОҚ

Катта Ўзбек трактидан Сардоба тумани марказига қараб машинада йўл олган киши саноқли лаҳзалардан сўнг чап тарафда "Наврўз" қишлоғига кўзи тушади. Замонавий услубда батартиб қурилган уй-жойларни кўриб кўзингиз қувонади. Архитектураси ва шароитларига кўра ҳар қандай кишининг ҳам ҳавасини келтирадиган бундай масканлар фақат истиқлолдан сўнггина қад кўтара бошлади.

Яқингинада вилоят маркази Гулистонга "Мирзачўл марвариди" дея таъриф берган-дик. Сардоба туманидаги "Наврўз" ва шунга ўхшаш воҳамизнинг ҳар гўшасида барпо бўлаётган бундай қишлоқларни бемалол дурлар шодасига ўхшатиш мумкин.

Эътиборлиси, бу ерда умргузаронликни қилаётганлар орасида таълим ходимлари ҳам бир талай экан. Биз бундай имкониятга эга бўлган педагоглар — Дилфуза Каримова, Мақсуда Қўшбоқова, Малика Турсунмуродованинг хонадонларида бўлдик.

Тўғри, 60-80 миллион сўмлик қийматдаги бу шинам кошоналарга эга бўлиш учун анча-мунча даромад талаб этилади. Давлатимиз томонидан уй-жойнинг имтиёзли кредит асосида берилиши эса юртдошларимизнинг кўпчилигига орзуларини рўёбга чиқариш имконини берди.

— Юртбошимизнинг фармони билан мустаҳкамлаб қўйилган тартибга кўра "Қишлоққурилишбанк"дан 15 йил муддатда қайтариш шарти билан 56 миллион сўм имтиёзли кредит олдик. Рўзғоримизга тушадиган маблағларнинг бир қисмини тўлаб бориш билан кредитни ўз вақтида давлатимизга қайтара олишга қодирмиз. Янада қувонарлиси, бу тўловлардан 15 йил давомида даромад солиғи олинмайди.

Ҳа, Дилфузахон чўл қўйнидаги жаннатмакон гўшада, шинам ўйда яшашга тамоман ҳақли. Оддий ўқитувчи бўлиб иш бошлаган, кейинчалик ишлаб чиқариш таълими устаси, методист, директорнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари лавозимларида фаолият юритган Д.Каримова 2003 йилдан бери касб-ҳунар коллежида директор вазифасида ишлаб келмоқда. Шу заминда улғайиб, бахтини ҳам шу ерда топган Дилфузахон турмуш ўртоғи Шуҳрат Каримов билан 2 ўғил, 1 қизни камолга етказмоқда.

— Газ, электр таъминоти, ичимлик суви муаммоси йўқ. Кўчамиздаги ариқларда оқаётган сувни кўрдингизми? — дея бизга ҳам савол бериб қўйди Дилфузахон суҳбатимиз асносида.

Ҳа, кўчалардаги оқар сув туфайли йўл четига экилган дов-дарахтлар ҳафта сайин кўкка бўй чўзаётир. Дарвоқе, қишлоққа туташ ҳолда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан лойиҳа қиймати 45 миллион сўмлик «Болалар ўйингоҳи» барпо қилинибди. Бу ерда мини-футбол, волейбол, баскетбол ва ҳатто спорт гимнастикаси майдончаси ҳам мавжуд. Болалар билан машғулотлар олиб бориш учун алоҳида спорт мутахассиси — мураббий штати ажратилган.

Маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан эса маҳалла боғида кўнгилочар ўйинлар учун турли атракционлар ўрнатилибди. Бир сўз билан айтганда, уй-жойлар, ўйингоҳ ва истироҳат боғи ўзаро уйғунлашиб бир бутун мажмуани ташкил этибди.

— Ҳовлимизнинг қурилиши ҳам туманимиздаги Болалар мусиқа ва санъат мактаби реконструкцияси билан қарийб бир вақтга тўғри келди. Лойиҳа қиймати 744 миллион сўм бўлган 150 ўринли, 4 йўналишли мусиқа ва санъат мактабимиз чўлқуварларнинг фарзандларига жуда катта совға бўлди, — дейди қувонч билан ҳовли тўйига тараддудланаётган туман халқ таълими бўлими методисти Маликахон Турсунмуродова. — Янги уйларимизда янада яратилган барча шарт-шароит биз педагогларга халқимиз фарзандлари келажаги йўлида кўпроқ меҳнат қилишимизга ҳам имкон бермоқда.

Бахтиёр ЁҚУБОВ,
Бойжигит АБДУЛЛАЕВ,
"Ma'rifat" мухбирлари.

Суратларда: 1.Сардобалик таълим ходимлари истиқомат қилаётган янги маскан — "Наврўз" маҳалласи. 2.Янги уйга меҳмон келди. 3.Беминнат газ туфайли овқат ҳам бирпасда тайёр бўлди. 4.Дилфуза Каримова туман марказидаги 12-мактабнинг 7-синфида ўқийдиган қизи Ҳулкар билан.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

“КУЙ-ҚЎШИҒИМ СИЗГА АРМУҒОН”

Самарқанд санъат коллежи концерт залида Халқ таълими вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати» форуми жамғармаси, В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ҳамкорлигида «Баркамол авлод йили» ҳамда «1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» умумхалқ байрамига бағишланган концерт дастури бўлиб ўтди.

Унда В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг истеъдодли ўқувчилари, «Янги авлод» фестивали, республика ва халқаро кўрик-танловларнинг лауреатлари ўз иқтидорларини намойиш этишди. Болалар устозлар учун уюштирилган мазкур концертда Ўзбекистон ва хорижлик бастакорларнинг мусиқий асарларини моҳирона ижро этишди.

— Устоз ва мураббийларга кўрсатилаётган юксак эътибор ўз самарасини бермоқда, — дейди Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Гулнора Тошпўлатова. — Бугун уларнинг шогирдлари улкан марраларни забт этиб, юртимиз шарафини оламга ёймоқда. Устозлар машаққатли меҳнатлари роҳатини кўрмоқда. Шунинг учун устоз ва мураббийлар ҳар қанча иззат-икромга, эъзозга лойиқдир. Шогирдларим Самарқандда ўқитувчи-мураббийлар учун концерт бераётганидан жуда-жуда хурсандман.

Концертда фортепиано йўналиши 2-синф ўқувчиси Ирода Шамсиева ижро этган «Доирам», 2-синф ўқувчиси Маъруфжон Шарифовнинг «Баркамол авлод», зарб йўналиши 3-курс ўқувчиси Муҳаммадазим Ихтиёровнинг «Самарқандча» деб номланган куй-қўшиқлари барча санъат ихлосмандларида катта таассурот қолдирди. Концерт давомида, скрипка йўналиши 8-синф ўқувчиси Муҳриддин Сайфиддинов, 9-синф ўқувчиси Нилуфар Муҳиддинова, фортепиано йўналиши 9-синф ўқувчиси Елина Кан, анъанавий созандалик йўналиши 3-курс ўқувчиси Сурайё Сайутова каби истеъдодли ёш мусиқачилар таниқли бастакорларнинг асарларини маромига етказиб ижро этишди.



— Халқимиз бежиз устозларни отага менгзамайди, — дейди 9-синф ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Нодира Дадамуҳаммадиева. — Устозлар заҳмати, берган таълим-тарбияси натижасида биз оқ-қорани танидик, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни ҳис қилаяпмиз. Уларнинг ёрдами билан юксак марраларни эгаллаяпмиз. Бугун устозларга бағишлаб концерт дастури намойиш этганимиздан мамнунмиз.

Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори эълон қилингандан кейин барча санъат мактаблари тубдан ўзгарди. Кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик туфайли ўқувчи-ёшлар халқаро кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритиб, ёруғ юз билан Ватанимизга қайтишмоқда. Бугунги тадбир ҳам ана шу кўрсатилаётган эътиборнинг бир мевасидир.

— Концерт дастури баҳона халқимизнинг бой тарихини акс эттирувчи меъморий ёдгорликларни, қайта таъмирланган тарихий обидалар ва муқаддас қадамжоларни томоша қилдик, — дейди лицейнинг 9-синф ўқувчиси Нилуфар Муҳиддинова. — Қисқа фурсатда шаҳар таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада гўзаллашиб кетибди. Регистон, Амир Темур мақбараси, Шоҳи Зинда, Улуғбек расадхонасини зиёрат қилдим. Самарқанд шаҳри бошқа шаҳарлардан жозибаси, гўзаллиги, замонавийлиги ва қадимийлиги билан ажралиб туришини яна бир бор ҳис қилдим.

Ҳаким ЖЎРАЕВ,
«Ma’rifat» мухбири
Суратларда: концертдан лавҳалар акс этган.

“ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ДАРСЛИГИ ВА ЎҚУВ АДАБИЁТИ МУАЛЛИФИ – 2010”
РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ РЎЙХАТИ

1 – ЎРИНЛАР

1. М.Ирискулов, Тилшуносликка кириш. Тошкент-2009 й. “Янги аср авлоди”, ЎзДЖТУ.
2. М.Камилова, Н.Раджапова, М.Закирова. Пособие по обучению русскому языку. Тошкент-2009 й. “Фан”, ТТЙМИ.
3. Ш.Муродов, Л.Ҳакимов, А.Холмурзаев. Чизма геометрия. Тошкент-2008 й.“Иқтисод-молия”, ТДПУ.
4. К.Исмаилов. Эластик-пластик қобиқлар. Тошкент-2008 й. “Чўлпон”, СамДАҚИ.
5. А.Вахобов, А.Жўраев. Солиқлар ва солиққа тортиш. Тошкент-2009 й. “Шарқ”, ТМИ.
6. Қ.Жўмаев, С.Файбуллаев, С.Фозилов, Р.Ҳайитов, М.Нуриллаев. Нефть ва газни қайта ишлаш корхоналари жиҳоз ва қурилмалари. Тошкент-2009 й. “Ўзбекистон”, БООЕСТИ.
7. А.Искандаров, Д.Кулдашев, Б.Ешмуратов, С.Горюнова. Правовые основы врачебной деятельности. Тошкент-2008 й. “Фан ва технология”, ТПТИ.
8. А.Ҳасанов, Қ.Санақулов, А.Юсупходжаев. Рангли металлар металлургияси. Тошкент-2009 й. “Фан”, НавДКИ.
9. У.Каримов, Т.Худойбердиев, И.Мирзаев, И.Марупов. Трактор ва автомобиль двигателлари назариясидан амалий машғулотлар. Тошкент-2009 й. “Фан ва технология”, ТИМИ.
10. А.Бекмуродов ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарини ўрганиш бўйича қўлланма. Тошкент-2009 й. “Иқтисодиёт”, ТДИУ.
11. А.Нурмонов. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. Тошкент-2009 й. “Таълим”, АндДУ.
12. Ж.Қулмуҳамедов, К.Назаров, Р.Ҳикматов, Ш.Шоисломов. Йўл ҳаракати қоидалари ва хавфсизлиги ((йўл ҳаракати хавфсизлиги) рус ва ўзбек тилида). Тошкент-2009 й. “F.Fулом”, Тошкент автомобиль ва йўллар КҲК.
13. Ш.Алимов, О.Холмухамедов, М.Мирзаахмедов. Алгебра 7-синф. Тошкент-2009 й. “Ўқитувчи”, РТМ.

2 – ЎРИНЛАР

1. Р.Сайфуллаева, Б.Менглиев. Замонавий ўзбек тили (Морфология 1-жилд). Тошкент-2008 й. “Мумтоз сўз”, ЎзМУ.
2. Т.Қозоқбоев. Журналистика асослари. Тошкент-2007 й. “Мусиқа”, ЎзДСИ.
3. Б.Избосаров, И.Камалов. Механика. Тошкент-2009 й. “Лидер-ПРЕСС”, НавДПИ.
4. А.Абдушукуров. Статистика неполых наблюдений: аксимптатическая теория оценивания для неклассических моделей. Тошкент-2009 й. “Университет”, ЎзМУ.
5. Ё.Рахмонова. Педагогика назарияси ва педагогик технология асослари. Тошкент-2009 й. “Янги аср авлоди”, ТТА.
6. Д.Тожибоева, А.Йўлдошев. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Тошкент-2009 й. “Алоқачи”, ТМИ.
7. Қ.Рахмонбердиев, М.Пиримқулов, Ю.Тошпўлатов. Қоғоз технологиясининг асослари. Тошкент-2009 й. “Алоқачи”, ТКТИ.
8. А.Ғаниев, А.Авлияқулов, Г.Алмардонов. Физика (1,2-қисм). Тошкент-2009 й. “Ўқитувчи”, ҚарДУ академик лицейи.
9. Т.Шомуродов, К.Ғафуров, Г.Бафоев. Қандолат, нон-булка ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологик жиҳозларини таъмирлаш ва ўрнатиш. Тошкент-2007 й. “Шарқ”, БООЕСТИ.
10. А.Хамроев, А.Алимов, Т.Аъзамхўжаев. Хирургия ва реанимация асослари. Тошкент-2008 й. “Ўз.фай.мил.жам.”, ТПТИ.
11. Т.Отақўзиев, Қ.Ахмеров, С.Туробжонов. Умумий кимёвий технология. Тошкент-2009 й. “Фан”, ТКТИ.
12. Т.Остоноқулов, В.Зуев, О.Қодирхўжаев. Сабзавотчилик. Самарқанд-2008 й. “Н.Доба”, СамҚХИ.
13. М.Васиев. Нон маҳсулотлари технологияси. Тошкент-2009 й. “Янги аср авлоди”, БООЕСТИ.
14. И.Алқаров, Р.Маматқулова, Ҳ.Норқулов. Оила тарбияси асослари. Тошкент-2009 й. “F.Fулом”, ЎзМУ.
15. Қ.Сидиқназаров, М.Мусажонов, Н.Муминжонов, Т.Қодиршоев, А.Тожибоев, А.Алиходжаев, Ш.Магдиев, К.Насретдинов, Г.Саматов, А.Тургунов, Н.Кузнецов. Сервисное обслуживание автомобилей скорой и экстренной медицинской помощи «Hyundai H-1 ambulance» автохозяйств Министерства Здравоохранения Республики Узбекистан Тошкент-2009 й. “Ворис”, ТАЙИ. Мажмуа: иккита ўқув қўлланмадан ташкил топган..
16. Ш.Аюпов, М.Ибрагимов, К.Кудайберганов. Функционал анализдан мисол ва масалалар. Нукус-2009 й. “Билим”, ҚҚДУ.
17. А.Корсун, Т.Худойбердиев, И.Аширбеков. Научные исследования в агроинженерии. Тошкент-2009 й. “Фан ва технология”, ТИМИ.
18. О.Мўминов, Ҳ.Абдурахмонова, С.Тохиржонова, Ш.Бутаев. Инглиз тили (2-қисм). Тошкент-2009 й. “F.Fулом”, ЎзДЖТУ.
19. Т.Чориев. Забони модари 3-синф. Тошкент-2009 й. “Ўзбекистон”, РТМ.

3 – ЎРИНЛАР

1. Б.Дўстқораев. Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1-қисм). Тошкент-2009 й. “F.Fулом”, ЎзДЖТУ.
2. Э.Расулов, У.Бегимқулов. Квант физикаси (2-қисм). Тошкент-2009 й. “Фан ва технология”, ТДПУ.
3. А.Алиев. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш. Тошкент-2007 й. “Ўз.фай.-мил.жам.”, ТДИУ.
4. И.Сатторов. Астрофизика (1-қисм). Тошкент-2009 й. “Таълим”, ТДПУ.
5. Ж.Ёдгоров, Т.Собиров, Н.Ёдгоров. Геометрик ва проекцион чизмачилик. Тошкент-2008 й. “Янги аср авлоди”, БухДУ.
6. О.Якубжонов, С.Турсунов, З.Муқимов. Дончилик. Тошкент-2009 й. “Янги аср авлоди”, АндҚХИ.
7. Л.Амзаев, Қ.Жуманиёзов, С.Матисмоилов. Тадқиқот илмий асослари ва технологик жараёнларни мувофиқлаштириш. Тошкент-2008 й. “ТТЕСИ”, ТТЕСИ.
8. А.Бекмуродов, Р.Турсунов. Халқаро бизнес. Тошкент-2009 й. “ТДИУ босмахонаси”, ТДИУ.
9. А.Салохиддинов, А.Акбаров, А.Арифжанов, И.Ахмедходжаева, Х.Валиев. Сувдан фойдаланиш асослари. Тошкент-2008 й. “ТИМИ босмахонаси”, ТИМИ.
10. Т.Сатторов. Инглиз тили (ҳуқуқшунослик йўналиши талабалари учун). Тошкент-2009 й. “ТДЮИ босмахонаси”, ТДЮИ.
11. А.Қудратов. Саноат вентиляцияси. Тошкент-2009 й. “Чўлпон”, ТТЕСИ.
12. Ҳ.Рустамов, Б.Ҳасанов, Ш.Нуруллаев. Физикавий кимёдан масалалар тўплами. Тошкент-2009 й. “Таълим”, ТКТИ.
13. М.Болиев. Лотин тили ва тиббиёт терминологияси. Тошкент-2009 й. “Ўз.фай.мил.жам.”, Сам. тиббиёт коллежи.
14. Ҳ.Жамалхонов. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. ТДПУ.
15. Ш.Раззақов, Ш.Йўлдошев, У.Ибрагимов. Компьютер графикаси. Тошкент-2008 й. “Талқин”, БООЕСТИ.
16. Ҳ.Акбаров. Кино-телережиссура монтаж. Тошкент-2007 й. “Илм зиё”, ЎзМУ.
17. Н.Махмудов, А.Нурмонов, А.Собиров, Д.Набиева. Она тили 6-синф. Тошкент-2009 й. “Тасвир”, РТМ.

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ЎРИНЛАР

1. Л.Ахмедова, О.Кон. Методика преподования литературы. Тошкент-2009 й. “Ўз.фай.мил.жам.”, ЎзДЖТУ.
2. М.Мамадазимов. Умумий астрономия. Тошкент-2008 й. “Янги аср авлоди”, ТДПУ.
3. Г.Шамсидинова, Д.Каримова. Кимёвий экология. Тошкент-2008 й. “Ворис”, НавДПИ.
4. Ё.Абдуллаев, Т.Қоралиев, Ш.Тошмуродов, С.Абдуллаева. Банк иши. Тошкент-2009 й. “Иқтисод-молия”, ТМИ.
5. М.Бакиев, И.Мажидов, Б.Носиров, Р.Хўжақулов, М.Рахматов. Гидротехника иншоотлари (2-жилд). Тошкент-2009 й. “Таълим”, ҚарМИИ.
6. Т.Қудратов, О.Қудратова, Н.Файзиева, И.Қудратова. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг таҳлили. Самарқанд-2008 й. “Н.Доба”, СамҚХИ.
7. Д.Бабаева. Нутқ ўстириш методикаси (теварак-атрофни ўрганиш материаллари асосида). Тошкент-2009 й. “Фан ва технология”, ТДПУ.
8. Э.Ҳусанова, А.Аҳмедов, Ж.Набиева. Одам анатомияси (инглиз тилида). Тошкент-2009 й., ТПТИ.
9. С.Фозилов, Б.Мавланов, Б.Хамидов, С.Файбуллаев, Ғ.Жумаев. Нефть ва газ маҳсулотларининг физик-кимёвий таҳлили. Бухоро-2009 й. “Бухоро”, БООЕСТИ.
10. М.Алиева. Меҳмонхона менежменти. Тошкент-2009 й. “ТДИУ босмахонаси”, ТДИУ.
11. Ю.Оппоқов, Н.Турғунов, И.Гаффаров. Оддий дифференциал тенгламалардан мисол ва масалалар тўплами. Тошкент-2009 й. “Ворис”, НамМПИ.
12. Х.Мавлянов. Аналитик кимё схема ва жадвалларда (маълумотнома). Бухоро-2009 “БухДУ босмахонаси”, БухДУ.
13. Қ.Олимов, Б.Мирзахмедов, А.Ғаффаров, Ҳ.Саидов. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Тошкент-2009 й. “Фан”, БООЕСТИ.
14. А.Рафиев, Н.Махмудов, И.Йўлдошев. Делопроизводство на государственном языке. Тошкент-2008 й. “Чўлпон”, ЎзМУ.
15. А.Тригулова. Хорижий мусиқа адабиёти. Тошкент-2009 й. “Илм зиё”, ТДПУ.
16. П.Fуломов, Ш.Мирзахматова. Атрофимиздаги олам 2-синф. Тошкент-2008 й. “Чўлпон”, РТМ.
17. А.Сагдуллаева, В.Костецкий. Тарих 6-синф. Тошкент-2009 й. “Янгийўл полиграф сервис”, РТМ.
18. Д.Айтбоев, Г.Айтбоева, М.Темирбаева. Қозоқ тили 7-синф. Тошкент-2009 й. “Шарқ”, РТМ.
19. О.Иброҳимов. Мусиқа 4-синф. Тошкент-2009 й. “F.Fулом”, РТМ.
20. Р.Шаймардонов. Органик кимё (2-қисм). Тошкент-2008 й. “Янгийўл полиграф сервис”, БухДУ.
21. З.Гаппаров. Спортивная психология. Тошкент-2009 й. “Меҳридарё”, ЎзДЖТИ.
22. О.Эшонов. Анестезиология ва реаниматология. Тошкент-2009 й. “Ворис”, БухДТИ.
23. Ҳ.Бабаханова. Босишгача бўлган жараён ускуналари. Тошкент-2008 й. “Алоқачи”, ТТЕСИ.
24. Ш.Юлдашева, Н.Акаева. Оила ҳуқуқи. Тошкент-2009 й. “Ўз.фай.мил.жам.”, ТДЮИ.

ҒОЛИБЛАРНИ ЧИН ДИЛДАН ҚУТЛАЙМИЗ!

САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Oliy ta'lim

Бугунги кунда республикамизда 59 олий таълим муассасаси ва уларнинг жойларда 11 филиали ҳамда 6та халқаро ҳамкорликда ташкил этилган олий таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда 300 мингга яқин талаба юксак замонавий талаблар асосида таҳсил олмоқда. Жаҳон стандартларига мос равишда бакалавриат ва магистратура тизимининг жорий қилиниши олий таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Юртбошимизнинг Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаси ҳамда "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, ўқув муассасалари моддий-техник базасини такомиллаштириш, ўқув жараёни ҳамда ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олий таълимнинг 8 билим соҳаси бўйича тегишли бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари намунавий ва ишчи ўқув режалари, фан дастурларини шаклан ва мазмунан оптималлаштириш ишлари амалга оширилди. Илғор интерактив технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш мақсадида ҳар бир фанни ўқитиш технологияси, унда қўлланиладиган интерактив ва педагогик технологиялар мажмуаси, яъни фаннинг янги мазмундаги ўқув-услубий мажмуалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Олий таълим муассасаларида турли соҳа ва тармоқларда мутахассисликларга бўлган эҳтиёж асосида янги замонавий йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлаш ишлари йўлга қўйиляпти. 2010-2011 ўқув йилидан бошлаб, бакалавриат босқичида Тошкент архитектура қурилиш ва Самарқанд давлат архитектура қурилиш институтларида "Қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий лойиҳалаштиришни ташкил этиш" ва "Қишлоқ қурилишини лойиҳалаш", Тошкент давлат аграр университетида "Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш ва ландшафтли қурилиш" ва "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик", Тошкент молия институтида "Баҳолаш иши", "Банк ҳисоби ва аудит" таълим йўналишлари бўйича, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида "Халқаро хавфсизлик" ҳамда "Иқтисодий дипломатия", Термиз, Фарғона ва Урганч давлат университетлари, Навоий ва Нукус давлат педагогика институтларида "Ижтимоий педагогика", Қорақалпоқ давлат университетида "Экологик экспертиза" ихтисосликлари бўйича кадрлар тайёрлашга киришилди.

Мазкур ўқув йилида илк бор бакалавриат ва магистратура бўйича "Биринчи курс мактаби" жорий этилиб, талабаликка қабул қилинган ёшлар олий таълим муассасаси ички тартиб-қоидалари, интерактив таълим жараёни, услуби ва воситалари, илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш тизими билан таништирилмоқда.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни янада мустаҳкамлаш, олий таълим муассасаларининг потенциал кадр истеъмолчилари бўлган корхона ва ташкилотлар билан ўзаро манфаатли, инновацион корпоратив ҳамкорлик алоқаларини тизимли асосда йўлга қўйишда олий таълим муассасалари бевосита ташаббускор сифатида намоён бўлмоқда. Инновацион ҳамкорликни ташкил этишда мутахассислик кафедралари асосий бўғиндир. Мазкур кафедралар қошида етук профессор-ўқитувчилар, аспирант, докторант, изланувчилар, иқтидорли талабалар ҳамда корхоналар вакилларидан иборат таркибда шакллантирилган инновацион гуруҳлар эса ҳамкорликни амалга оширувчи механизм – ўзига хос инфратузилма вазифасини бажармоқда. Гуруҳлар томонидан кафедра ихтисослашувига мос замонавий корхоналар рўйхати ва уларнинг фаолиятига оид батафсил маълумотлар банки шакллантирилади ҳамда рўйхатдаги ҳар бир корхонанинг мавжуд илмий-технологик муаммолари ўрганилиб, таҳлилдан ўтказилади ва тизимлаштирилади. Бу эса кафедрада мужассамланган интеллектуал салоҳиятни мазкур муаммолар ечимларига сафарбар қилиш, шу тариқа олий таълим тизимида олиб борилаётган илмий изланишларнинг самарадорлигини таъминлаш имкониятини яратади.

Шу аснода, биринчи навбатда, ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти жараёни такомиллашади, таълим сифати ошади, профессор-ўқитувчиларнинг амалий билим ва кўникмалари узлуксиз равишда янгиланиб боради, битирув малакавий ишлари, магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертациялари мавзулари соҳа муаммоларига йўналтирилиб, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш имкониятлари кенгаяди, битирувчиларни ишга жойлаштириш жараёнига потенциал иш берувчилар жалб этилади.

Нисбатан қисқа вақт ичида бу йўналишда амалга оширилган ишлар натижасида ҳозирга қадар олий таълим муассасаларининг 600дан зиёд ихтисослик кафедралари қошида жами 4500 нафарга яқин етук профессор-ўқитувчи ва мутахассис-олимлар, аспирант, докторант, изланувчилар, иқтидорли талабалар, ишлаб чиқариш вакилларидан иборат таркибда 750дан ортиқ инновацион гуруҳлар шакллантирилиб, кафедралар йўналишига мос замонавий корхоналар тўғрисида маълумотлар базаси яратилди. Мазкур корхоналарнинг 1200га яқини билан шартнома асосида инновацион корпоратив ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш борасида тегишли ишлар олиб борилиб, улардаги мавжуд илмий-технологик муаммолар банки шакллантирилди. Корхоналарнинг ушбу амалий муаммолари янги ўқув йилидан бошлаб кафедраларда бажарилаётган битирув малакавий ишлари, магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертациялари, хўжалик шартномалари асосидаги илмий тадқиқотлар мавзуларини шакллантиришга асос сифатида хизмат қилади.

Тайёрланаётган кадрлар савияси соҳага доир дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа керакли шарт-шароитларнинг қанчалик сифатли яратилиши билан белгиланади. Ҳозирда барча олий таълим муассасалари ва улар қошидаги ахборот-ресурс марказлари ZiyoNET таълим тармоғига уланиши учун имкониятлар яратилган. Айни кунгача тармоққа 1·2 мингдан ортиқ электрон ахборот таълим ресурслари жойлаштирилган.

Мустақиллик йилларида нуфузли хориж университетлари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Бугунги кунда пойтахтимизда Буюк Британиянинг Халқаро Вестминстер университети, И.Губкин номидаги Россия нефть ва газ давлат университети, Италиянинг Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

Маънавий-маърифий ишларни бошқариш тизимида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш ҳамда ҳар бир бўғиннинг услубий таъминотини яхшилаш, тизим фаолиятини ташкил этишнинг самарали шакл ҳамда усулларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва илғор иш тажрибаларини қўллаш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Олий таълим муассасаларида "Маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш бўйича услубий мажмуа" тайёрланиб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва тажрибалари инобатга олинган ҳолда амалиётга татбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига бағишлаб, "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" номли илмий-оммабоп рисола тайёрланиб, ундан машғулотлар ва кенг жамотчилик ўртасидаги тарғибот-ташвиқот ишларида самарали фойдаланилаётгани эътиборга молик.

Вазирликнинг расмий www.edu.uz веб-сайтида махсус "Barkamol avlod yili" рукни яратилди ва унга дастур ижроси юзасидан маълумотлар мунтазам жойлаштириб борилмоқда.

Тегишли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган "Ёшлар соғлом турмуш тарзини танламоқда" комплекс дастури амалга оширилмоқда.

"Универсиада" спорт мусобақалари ўзининг ижобий натижасини кўрсатмоқда. Мазкур мусобақада тобланиб, профессионал спортчи даражасига етишган 40 дан ортиқ йигит-қизлар Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатларида ҳамда бошқа нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқда.

Ўтган давр мобайнида 151 нафар талаба Президент стипендияси, 1 932 нафари Навоий, Улуғбек, Беруний, Ибн Сино ва Имом ал Бухорий номидаги Давлат стипендияларига сазовор бўлди. 50 нафардан ортиқ Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари олий таълим муассасаларида таҳсил оляпти. Маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиляпти. Хориждаги ўқув масканларида юзлаб иқтидорли ёшлар таълим олмоқда. Бунда хорижий таълим муассасалари билан икки томонлама тажриба алмашиш йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

35 ёшгача бўлган ёш олимлар учун 2010 -2011 йилларга мўлжалланган фундаментал ва амалий тадқиқотлар лойиҳалари танловини ўтказиш анъанага айланиб, бу йил танловга жами 153 лойиҳа қабул қилинди.

Олий таълим муассасаларида "Йилнинг энг яхши педагоги", "Йилнинг энг яхши мураббийси", "Йилнинг энг яхши илмий раҳбари" танловлари ўтказилди ва уларда 150 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар ғолиб деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармасида таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқариш маҳоратини ошириш бўйича 250дан ортиқ проректорлар малакасини оширди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси билан ҳамкорликда "Баркамол авлод йили" давлат дастурининг 36-банди ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган Педагогик грантлар дастури бўйича танловда олий таълим тизимидан 29 нафар профессор-ўқитувчи ғолиб деб топилди.

Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида талабаларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида 300дан ортиқ "Бунёдкор-2010" меҳнат отрядлари ташкил этилиб, уларга аъзо бўлган 10 мингдан зиёд ёшлар лойиҳа доирасида фойдали меҳнатга жалб этилди.

Талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида уларнинг тарихий жойлар ва музейларга экскурсиялари уюштирилди. Жумладан, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейига 2010 йилнинг ўтган даври мобайнида 5000дан ортиқ талабанинг ташрифи ташкил этилди.

Мухтасар қилганда, ёшлар таълим-тарбияси йўлида амалга оширилаётган бу каби ишлар ва яратилаётган шарт-шароитлар уларнинг ҳар томонлама етук, баркамол инсон бўлиб вояга етишлари йўлида олиб борилаётган давлат сиёсатининг изчиллигининг яққол ифодасидир.

Зокир КАРИМОВ,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари,
Барно РАЖАБОВ,
илмий педагог кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Муҳтарам устозлар, азиз мураббийлар, таълим тизимида фидокорона меҳнат қилаётган профессор-ўқитувчилар, мамлакатимиз фан-техникасини ривожлантириш йўлида самарали илмий изланишлар олиб бораётган олимлар, барчангизни 1 октябрь — «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» умумхалқ байрами билан қутлаймиз! Оилавий бахт-саодат, мустаҳкам соғлик доимий йўлдошингиз бўлсин.



МЕҲРИБОН ОЙИЖОН

«Ойижон, бугун сизни тушимда кўрдим. Менга жилмайиб боқиб турибсиз. Эрталаб уйғондиму, сизни соғинганимни юрак-юрагимдан ҳис қилдим... Ҳа, ойижон, сизни жудажуда соғиндим. Меҳрга тўла нигоҳларингизни доим қўмсайман. Шодон кулгуларингиз қулоқларим остида жаранглamoқда...». Мавлуда опа севинч ёшларига тўлган кўзларини артади. Сўнг «Бу Асқаржонимнинг мактуби. Хоразмдан, ҳарбий хизматдан жўнатган. Соғинганимда уни такрор-такрор ўқийман ва болажонимнинг илиқ нафасини туйгандек бўламан...», дея фақат оналаргагина хос ҳаяжондан киприкларини пирпиратиб қўяди.

Соғинган дил меҳри

Салкам қирқ йилдан буён Собир Раҳимов туманидаги 24-Меҳрибонлик уйида ишлаб келаётган Мавлуда Абдураҳмонова бу ерда тарбия топаётган болаларни ўз фарзандидек билади. Ҳар бири ҳақида гапирганда «фарзандим», «дилбандим» деб қўшиб қўяди. Болалар ҳам жонкуяр тарбиячиларини ҳурмат билан «ойижон» дейдилар. Мавлуда опа камтарлиги, меҳрибонлиги ва фидойилиги билан бутун жамоанинг «ойижон»ига айланган.

«Ойижон» ҳар тонгда қадрдон гўшасининг дарвозасидан ичкарига одимларкан, «Ассалому алайкум» деб қаршисига пешвоз чиққан ўғил-қизларининг пешонасидан ўпиб-ўпиб кўришади. Сўнг уларнинг юриш-туриши, ўқишлари билан қизиқади-да, кимнингдир уст-бошини тўғрилашга, кимнидир дарс машғулотларини бажартиришга, кимгадир уй ишларида кўмаклашишга ва яна кимнидир ювинтириб-кийинтириб, боғча ёки мактабга кузатиб қўйишга шўнғийди.

— Мавлуда опа ҳозир 15 нафар қизимизнинг онаси, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Доно Ворисова. — Жамоамиз уни нафақат жонкуяр, фаол, ташаббускор тарбиячи, балки оқила, меҳридарё инсон сифатида билиб, жуда ҳурмат қилади, қадрлайди.

Муассасамизда 3 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар тарбияланади. Биласизки, бу даврда болалар ота-онасига эркалик қилишга ташна, шўхликларини кўтарадиган, оқу қорани танишларида, яхши-ёмонни англашларида ибрат бўла оладиган яқин кишига муҳтож бўлади. Умрнинг, тарбиянинг пойдевори асосан мана шу даврда шаклланади, шундай экан, бизнинг катта оиламизда тарбиячидан катта масъулият талаб қилинади. Мавлуда опа эса бу ишда нафақат кўпчиликнинг ишончини оқлаган, балки чинакам устоздир.

«Ленуранинг кўнглини топдим»

Болалар билан дарс тайёрлаётган Мавлуда опа ғала-ғовурни эшитиб, ташқарига отилди. Ҳовлида ҳозиргина туман ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия нозирлари олиб келган 7 ёшли Ленура Абдулҳакова, қўлига берган ширинлигу ўйинчоқларни ҳар томонга сочиб йиғлар, бу ердан қочмоққа шайланар, ёнига келиб, тинчлантирмоқчи бўлганларни эса тирнаб, тишлашга уринарди. Мавлуда опа чопиб бориб қизалоқни бағрига босди, юзларидан ўпиб, ёшларини артди. Кейин кўзларига тикилиб, нималардир деди. Йиғидан тўхтаган Ленура янги ойижонисининг бўйнидан қучиб, кўксига бошини қўйиб олганида бошқалар енгил нафас олди: баъзилар бу ҳолдан кўзларига ишонмади, баъзилар Мавлуда опага ҳавас билан боқиб, ичичидан хурсанд бўлди.

— Менингча, ҳар бир меҳрибонлик уйи тарбиячиси, биринчи навбатда, инсон психологиясини яхши билиши керак, шундагина у кўнгли ўксик, қисмат чигалликларидан инжиқ бўлган болалар билан осон тил топишиб, меҳрини қозона олади, уларни иродали бўлишга, тўсиқларни енгиш учун курашишга, ҳаётга руҳлантиради, — дейди қаҳрамонимиз. — Кенжа қизим Ленура бу ерга келганида феъл-атвори анча оғир эди. Ўртоқлари билан ҳеч чиқишолмасди. Ҳозир эса у мени жонидан севадиган, бошқаларга меҳрибон, мактабда эса аълочи ўқувчилардан.

Пойдевори мустаҳкам тарбия нурамайди

Мавлуда опа ўзи тарбиялаган болалардан кўнгли тўқ. Уларнинг келажакда катта ютуқларга эришишига, улғайган масканини ва ўзини ҳеч қачон уялтириб қўймаслигига ишонади. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган «Меҳрибонлик» оромгоҳларида маънавий-маданий тадбирларда фаол иштирок этиб, фахрий ёрлиқ билан тақдирланган, болаларга ўрнак бўлган Ира Гомозованинг, шашка бўйича республика «Меҳрибонлик» спартакиадасида биринчи даражали диплом соҳибига айланган Никита Кутузовнинг қадрдон «ойижон»иси эканидан фахрланади.

Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ташкил қилинган «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида «Болаларнинг манзили — Ўзбекистон» мавзусидаги хайрия маданий тадбирларининг юқори савияда ўтишида беминнат хизматлари учун ташаккурнома ва совғалар билан тақдирланган Мавлуда опанинг «фарзандлари» ҳар йилги «Президент арчаси», «Меҳржон» байрамида, «Меҳр нури», «Соғлом авлод учун», «Sen yolg'iz emassan» жамғармалари тадбирларида фаол иштирок этади.

Қизларнинг «Ораста» рақс ансамбли ижросидаги турли миллат рақсларини эса мароқ билан томоша қилиб, бир олам эстетик завқ олиш мумкин.

Фидойи тарбиячи Меҳрибонлик уйида болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва уларнинг иқтидорларини намоён қилишига имконият яратиш мақсадида тузилган шашка, расм чизиш, бисер тикиш, пазандалик, бадиий драма ва бошқа тўгаракларда машғулотлар олиб боришда ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келмоқда.

Муассасада «Устоз — шогирд» мактаби яхши йўлга қўйилгани боис Мавлуда опа Нодира Исмагилова, Феруза Абдувалиева, Нодима Эшмуҳаммедова, Саодат Қурбонова каби бир қатор иқтидорли шогирдларни эргаштирди. Ҳозирда улар ҳам ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб вояга етказишга ҳисса қўшиб келишмоқда.

Мавлуда Абдураҳмонова ўзини жуда бахтли ҳис қилади. У бугун эл ардоғида, яқинлари қучоғида. Меҳри булоқдек тошган опага куч-ғайрат, сабр ва матонат тилаймиз.

Дилшод КАРИМОВ,
“Ma'rifat” мухбири

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA’LIMI VAZIRLIGI

“O‘QUV TA’LIM-TA’MINOT” davlat unitar korxonasi

Муҳтарам халқ таълими ходимлари, педагоглар! Барчангизни «1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этамиз! Баркамол ёш авлодга илм бериш йўлидаги сермашаққат, айни дамда шарафли касбингизга барака, доимо эл ардоғида бўлишингизни тилаб қоламиз!

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi

КАСБ-ҲУНАР — ИНСОН ЗИЙНАТИ

Ҳозирги кунда Республикамиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида 1 млн. 108 мингдан ортиқ ўқувчига мўлжалланган янги қурилган ёки реконструкция қилинган 1536 таълим муассасаси, жумладан, 1394 касб-ҳунар коллежи ва 142 академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Уларда жами 1 млн. 629 минг нафардан ортиқ ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун давлат бюджетидан 99,5 млрд. сўм, хорижий инвестициялар ҳисобидан 208,2 млн. АҚШ доллари сарфланиб, энг замонавий жиҳозлар харид қилинди ва улардан таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар самарали фойдаланмоқда. Мустақиллик йилларида улар учун 17,6 млрд. сўмлик, тиражи 6,5 млн. нусхадан ортиқ бўлган 1254 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмалар, 131 номдаги электрон дарсликларнинг янги авлоди тайёрланди ва нашр қилинди.

ЎМКҲТ тизимида 1508та ахборот-ресурс марказлари ва 330 ахборот-ресурс марказлари филиаллари ташкил этилган. Нашрдан чиққан 307 номдаги дарсликлар ва ўқув қўлланмаларнинг электрон шакллари ахборот-ресурс марказларидаги компьютерларга жойлаштирилган.

Тизимда 107760 нафар педагог кадрлар меҳнат қилмоқда. Улар орасида 100 нафар фан доктори ва 1085 нафар фан номзодлари мавжуд.

2010-2011 ўқув йилида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида дарс бериш учун 5890 нафар педагог кадрлар ишга қабул қилинди.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг 11890 нафардан ортиқ педагог кадрлари ЎМКҲТ тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида ҳамда соҳа йўналишлари бўйича очилган 45 та малака ошириш муассасаларида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларидан ўтди.

Бундан ташқари, Германия, Франция, Дания, Голландия, Италия, Исроил, Болгария, Австралия, АҚШ, Япония, Ҳиндистон ва Корея давлатлари ҳамда ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда 1421 нафар педагог кадрлар хорижий хизмат сафарларида, турли анжуман, тадбирларда бўлиб, малака ошириш курсларида иштирок этди ҳамда тажриба алмашди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги 165-сонли қарорига мувофиқ, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари педагог ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими такомиллаштирилди. Тизимда фаолият кўрсатиб, юқори маҳоратга эга бўлган ва ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга ҳисса қўшаётган ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига ойлик устамалар белгиланди. 2008 — 2010 йиллар давомида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари педагог ходимларининг иш ҳақи 2,26 бараварга оширилди.

Таълим муассасаларини битириб чиққан ёшларнинг бандлигини таъминлашга ҳам ўта муҳим масала сифатида қаралмоқда. Таълим муассасалари ва корхоналар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграцияни шакллантириш, корхоналарда унумли меҳнат асосида кадрлар тайёрлашнинг икки томонлама тизимини ривожлантириш, амалиёт ўташни давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ташкил этиш ва битирувчиларни мутахассисликларига мос иш жойлари билан таъминлаш мақсадида "Таълим муассасалари ва корхоналар ўртасидаги шериклик муносабатлари тўғрисида Низом" амалиётга жорий этилди. Таълим муассасаларида ташкил этилган 1370 Васийлик кенгашлари фаолиятида 9000дан ортиқ корхона ва ташкилотлар сифатли кадрлар тайёрлаш бўйича ижтимоий ҳамкорликни амалга оширмоқдалар.

Ишлаб чиқариш билан интеграллашувни таъминлаш борасида Навоий тоғ-металлургия комбинати қошидаги Навоий кончилик, Зарафшон саноат ва Учқудуқ кончилик касб-ҳунар коллежлари, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси Давлат акциядорлик жамияти васийлигида Тошкент авиасозлик, Тошкент метрополитен бошқармаси васийлигида Тошкент транспорт, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК, "Йўловчи вагонларни таъмирлаш" заводи васийлигида Тошкент темир йўл транспорти, "Ўздонмаҳсулот" ДАК Мирзо Улуғбек саноат, "Ўзбекистон почтаси" ДАК, "Ўзбек телеком" АК Тошкент алоқа, "Ўзбектуризм" миллий компанияси, "Ўзбекенгилсаноат" компанияси, "Ўзбекэлтехсаноат" уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси "Парандасаноат" уюшмаси, Тошкент туризм касб-ҳунар коллежлари билан бирга кичик мутахассислар тайёрлаш бўйича ибратли ишлар амалга оширмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 февралдаги "Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида ўқув амалиётларини сифатли ўтказиш ва кейинчалик ишга жойлаштириш мақсадида ҳамкор ташкилот, корхона ва муассасалар билан 1187 таълим муассасалари ўртасида 3 томонлама шартномалар имзоланган. Чунончи, 2009/2010 ўқув йилида 118 академик лицей ва 1069 касб-ҳунар коллежларида жами 431706 нафар ўқувчи ёшлар 3 йил давомида ўзлари танлаган йўналишлар бўйича мутахассисликларга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони асосида битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш имконияти янада ошди.

Давлатимиз томонидан ўзининг хусусий бизнесини йўлга қўйиш истагидаги битирувчиларга яна бир қўшимча имконият сифатида уларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаши ва ўз бизнес ишларини ташкил этиши учун "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг шаҳар ва туман бўлимлари томонидан жами 3,2 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

Ўтган ўқув йилида касб-ҳунар коллежларини жами 400 минг 964 нафар ўқувчи-ёшлар битириб, ҳозирги вақтда уларнинг 216 минг 447 нафари (54,0 фоиз) ишга жойлашиб, меҳнат дафтарчалари билан таъминланди.

Ривожланган давлатларнинг узоқ муддатли имтиёзли кредитлари ҳамда грантлари асосида, жумладан, Осиё тараққиёт банки, Корея Республикаси ҳукумати ҳамда Япония ҳукуматининг имтиёзли кредитлари, Германия тараққиёт банки(KfW)нинг кредити, Европа Иттифоқи комиссиясининг гранти асосида ҳамда Европа таълим фонди (ЕТФ) билан ҳамкорликда таълим муассасалари жиҳозланди.

Бундан ташқари, Япония халқаро хамкорлик агентлиги (JICA), Германиянинг грантлари асосида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини ривожлантиришга катта ҳисса қўшилди.

Ҳозирги вақтда Корея ҳукумати, Ислом тараққиёти банки, Германия тараққиёт банкининг имтиёзли кредитлари ҳисобига касб-ҳунар коллежларини жиҳозлаш, янги бинолар қуриш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда. Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги, Германия техникавий хамкорлик жамияти (GTZ)нинг грант лойиҳалари самарали амалга оширилмоқда.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ташкил этилган "Кичик академия"ларда энг истеъдодли, ноёб қобилиятли ва ижодкор ўқувчиларни танлаб олиб, уларга табақалаштирилган, маълум ихтисосликка йўналтирилган чуқур билим бериш, ўқувчиларни ихтирочилик, илмий изланувчанликка йўналтириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Ўқувчилар халқаро фан олимпиадаларида ва танловларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Ўқувчиларнинг халқаро фан олимпиадаларида ва танловларида иштирок этишлари учун ҳам барча шароитлар яратилмоқда. Бунинг натижасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчилари қатор ютуқ ва муваффақиятларга эришиб келмоқдалар. Хусусан, математика фанидан Корея (2000), АҚШ(2001), Япония(2003), Греция(2004), Испания(2008), Австрия(2009), Қозоғистон(2010)да бўлиб ўтган халқаро олимпиадаларда ўзбекистонлик ёшлар 6та кумуш, 8та бронза медали ҳамда 2та диплом, 4та фахрий ёрлиқни қўлга киритдилар.

Кимё фанидан ҳам Россия(2001), Қозоғистон(2002), Ўзбекистон(2008), Туркманистон(2009), Озарбойжон(2010)да ўтказилган халқаро олимпиадаларда ўқувчиларимиз 1та олтин, 2та кумуш, 4та бронза медали ҳамда 3та 3-даражали диплом, 8та дипломга сазовор бўлдилар. Физика фани бўйича Сингапурдаги 3-Осиё олимпиадасида ҳам юртимиз ёшларининг кўрсаткичлари юқори бўлди.

Шунингдек, вакилларимиз биология фанидан жорий йили Жанубий Кореяда бўлиб ўтган 21-халқаро олимпиадада 3та рағбатлантирувчи диплом, 2004 йили Россияда ўтказилган рус тили ва адабиёти халқаро олимпиадасида 1та кумуш медалига муносиб кўрилди.

2002, 2004, 2006 йиллари Қозоғистондаги халқаро математик лойиҳалар мусобақасида 4та бронза медали ва 2та фахрий ёрлиқ, 2007 йили Москвада ўтказилган 7-Колмогоров ўқишлари номли халқаро илмий анжуманда 1та бронза медали ёшларимиз муваффақиятини таъминлади.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 27 нафар иқтидорли қизлари Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлди.

Жисмоний тарбия, спорт-соғломлаштириш ишларини ривожлантириш ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш бўйича ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. 1629 минг нафар ўқувчи-ёшлар мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиб келмоқда. Бугунги кунда 50 турдаги спорт секцияларида шуғулланувчи ўқувчилар сони 671564 нафарни ташкил этмоқда. Уларнинг 314148 нафари қизлардир.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида 4878 спорт иншооти, жумладан, 1201та спорт зали, 3642та спорт майдони, 29та сузиш ҳавзаси, 7та манеж мавжуд. Тизимда таҳсил олаётган ўқувчи-ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишларини ташкил этиш, уларни жисмонан бақувват, соғлом ва комил инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида "Баркамол авлод" спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Юртимизда ёшлар таълим-тарбияси йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлар эртанги кун эгаларининг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишиши учун хизмат қилиши шубҳасиз. Хусусан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ходимлари муҳтарам Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ёшларимизнинг умумий билимларни эгаллаш баробарида бир неча замонавий касб-ҳунарга эга бўлиб, мустақил ҳаёт бошида меҳнат қилиш ёки олий ўқув юртларида таълимни давом эттиришларини таъминлаш йўлида жонкуярлик билан меҳнат қилаверади.

Ш.ЖАВЛОНОВ,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

унинг вилоятлардаги ҳудудий бошқармалари жамоалари

республикамиздаги барча педагог ходимларни, фан ва таълим тизими ишчи хизматчиларини, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, спорт мактаблари ва тўгаракларида ёшларга сабоқ бераётган ўқитувчи ва мураббийларни умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этади!

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИСТИҚЛОЛ КЎЗГУСИДА

1991

■ **Республикадаги жами мактаблар сони — 8333та.**
Шундан:
замонавий типдаги — **2957та;**
мослаштирилганлари — **4692та;**
авария ҳолатидаги — **684та.**

Мактабларнинг моддий-техник базаси:
дарсликлар таъминоти — **55,4 фоиз;**
ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — **29 фоиз;**
замонавий компьютер ва ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — **2,4 фоиз;**

■ **Республикадаги болалар спорти объектлари:**
спорт залига эга мактаблар сони — **4128та;**
болалар спорти объектлари сони — **154та;**
болалар спорти объектларининг спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминланганлиги — **4,7 фоиз;**
ёшларнинг оммавий спорт тадбирларига қамраб олинганлиги — **7,4 фоиз.**

■ **Республикадаги мусиқа ва санъат мактаблари сони — 311та.**
Шундан:
замонавий типдаги — **56та;**
мослаштирилганлари — **198та;**
авария ҳолатидаги — **57та.**

■ **Республикадаги ҳунар-техника билим юртлари сони – 474та.**
Шундан:
замонавий типдаги — **279та;**
мослаштирилганлари — **175та;**
авария ҳолатидаги — **20та.**

Ўрта махсус таълим муассасалари моддий-техник базаси:
ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — **40,3 фоиз;**
компьютер ҳамда ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — **21,2 фоиз;**
мавжуд техника воситалари сони — **8952та.**

Ўрта махсус таълим муассасаларининг кадрлар билан таъминланганлиги:
педагоглар ва муҳандис-педагоглар умумий сони — **25540 нафар.**
Шундан:
фан докторлари — **йўқ;**
фан номзодлари — **186 нафар;**
олий маълумотли ўқитувчилар — **19767 нафар.**

Ўрта махсус таълим йўналишлари бўйича мутахассисликлар умумий сони — **156та.**

Ҳунар-техника билим юртларига қамраб олинган ўқувчилар умумий сони — **170562 нафар.**

■ **Республикадаги олий таълим муассасалари (ОТМ филиаллари) сони — 53та.**
Шундан:
университетлар — **6та;**
институтлар — **42та;**
филиаллар — **5та.**

1992 1993 1994 1995 1996 1997 1998 1999 2000 2001 2002 2003 2004 2005 2006 2007 2008 2009

Мактабгача, Умумий ўрта таълим

Бугунги кунда Республикамиз бўйича мактабгача таълим муассасалари сони 6135 тани ташкил этиб, уларга 508 235 нафар (20,4%) бола қамраб олинди.

Мактабгача таълим тизимида ноанъанавий мактабгача таълим муассасалар тармоғи ҳам кенгайиб қисқа муддатли гуруҳлар сони 1536тани, саводхонлик марказлари 977тани, якшанбалик мактаблари 1249тани ташкил этмоқда.

Республикада 80 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолият юритиб, уларга 3281 нафар бола қамраб олинган.

Мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга таълим-тарбия бериш билан бир қаторда соғлиқларини тиклаш учун 194та махсус турдаги мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида таълим муассасаларидаги жиҳозланган физика лаборатория хоналари сони 6962тага, кимё лаборатория хоналари – 6682тага, биология хоналари – 6682тага ошди.

2004-2009 йилларда 1607та мактаб ичимлик суви билан таминланди. 1163та мактаб газлаштирилди, 1607та мактабга телефон алоқалари ўрнатилди, 1076та мактаб марказий ва мактаб ҳовлисига мослаштирилган канализация тармоғига уланди.

2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш учун Мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан жами 463,6 млрд. сўм маблағ сарфланди.

Ўқув фанларидан 119 номдаги, жумладан: 65 номдаги электрон дарсликлар, 26 номдаги ўқув фильмларини ҳамда 28 номдаги мультимедиа дастурий воситаларини яратилиб ўқув жараёнига татбиқ этилди.

2004-2009 йиллар давомида Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, ОПЕК жамғармаси, Саудия тараққиёт жамғармаси каби халқаро молиявий институтлар ва Хитой Халқ Республикаси ҳамда Корея Республикаси Эксимбанклари билан олиб борилган самарали ҳамкорлик алоқалари натижасида умумий миқдори 181,3 млн. АҚШ долларига тенг жами 8та лойиҳа амалга оширилиб келинмоқда.

Халқаро фан олимпиадаларида мактаб ўқувчилари томонидан 149та медаллар шодаси қўлга киритилди. Уларнинг 6 таси олтин, 14 таси кумуш ва 60 бронза медали ҳамда 69 махсус дипломлардир.

Ўзбекистонда таълим етти тилда - ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, тожик, кирғиз, туркман тилларида олиб борилиши учун барча шароитлар яратилган.

Ҳар йили биринчи синф ўқувчиларига Президент совғалари – янги дарсликлар ва 12 та номдаги ўқув қуроллари тақдим этилади, 2—9-синфлар эса Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими орқали тўлиқ таъминланмоқда.

Бугунги кунда 563та мактабдан ташқари таълим муассасаси фаолият юритаётган бўлиб, уларда 537143 (11,2 фоиз) нафар ўқувчи ўз қизиқишларига кўра машғулотларга қатнашмоқда.

10825 нафар ногирон болаларнинг уйда таълим олишлари учун шароит яратилган, улар дарсликлар, ўқув анжомлари ва компьютерлар билан таъминланди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

2004-2009 йиллар мобайнида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида давлат бюджетидан 85,0 млрд. сўм миқдорида ўқув-лабораторияларини жиҳозлари харид қилинди. Чет эл инвестициялари ҳисобидан 137,1 млн. АҚШ доллари миқдорида мебеллар, ўқув-лаборатория жиҳозлари, техник воситалар ҳамда кўргазмали қуроллар харид қилинди ва ўрнатилди.

"Ўқув лабораторияларини асбоб-анжомлари, таълимнинг техник воситалари ва ўқув-кўргазмали қўлланмалар ишлаб чиқаришни республика корхоналарида маҳаллийлаштириш" дастурини бажариш бўйича 2004 йилда 34 та корхона ва ташкилотлар билан 113 турдаги ўқув-лабораторияларини ишлаб чиқаришга 16,7 млрд. сўмлик шартномалар тузилиб, таълим муассасалари жиҳозланган бўлса, 2009 йилда ушбу мақсадлар учун 18,5 млрд. сўм молиялаштирилди.

2008 йилда ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш натижасида 2142 млн. сўм бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топилди. 2009 йилда бу кўрсаткич 3511 млн. сўмни ташкил қилди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари билан корхона ва ташкилотлар ҳамкорлиги, ишга қабул қилиш шартномаларини тузиш механизми шакллантирилиб, улар билан 13338та шеригчилик шартномалари имзоланди.

Микрокредитбанк томонидан битирувчиларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашлари учун кредит ажратиш фаолияти ташкил этилди. Биргина 2009 йилда 923 нафар битирувчига 962.0 млн. сўм миқдорида микрокредит маблағлари ажратилди.

1536та ахборот-ресурс марказлари ва 330 ахборот-ресурс марказларида 100 млн.дан ортиқ турли йўналиш ва тилдаги ўқув адабиётлари бўлиб, улар 3 млн. 654 минг аҳолига ва 1 млн. 627 минг ўқувчига хизмат кўрсатмоқда.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг 25 нафар иқтидорли ўқувчи-қизлари Ўзбекистон Республикаси Президент Фармони билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлди.

Бугунги кунда 50 турдаги спорт секцияларида шуғулланувчи ўқувчилар сони 498055 нафарни ташкил этмоқда. Улардан 227027 нафарини қизлар ташкил этади.

Таълим муассасаларининг ўқувчилари 2008/2009 ўқув йили давомида бир қатор Жаҳон ва Осиё чемпионатлари ҳамда Хақаро мусобақаларда иштирок этиб, 119 нафари жаҳон, 154 нафари Осиё ва 400 нафарга яқини халқаро мусобақаларининг ғолиблари бўлди.

Олий таълим

Олий таълимнинг 254 бакалавриат йўналиши ва 719 магистратура мутахассисликлари бўйича Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди, улар асосида намунавий ўқув режалари ва фан дастурлари яратилиб, ўқув жараёнига татбиқ этилди.

"Ёшлик" талабалар шаҳарчасида жойлашган 25та талабалар уйида Юртбошимизнинг ташаббуслари билан 2005 йилда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, унга ҳомийлар маблағлари ҳисобидан 36,5 млрд. сўм сарфланди.

2004—2009 йиллар давомида 1200 га яқин ўқув адабиётлари нашр этилди.

Ўқув адабиётларининг замонавий янги авлодига қўйиладиган талаблар дунё тажрибаси асосида ишлаб чиқилди, фанлар бўйича ўқув-методик мажмуанинг замонавий модели яратилди. Профессор-ўқитувчилардан иборат муаллифлар таркиби шакллантирилди. Улар томонидан 2550 фан бўйича ўқув-методик мажмуа яратиш ишлари олиб борилмоқда.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасалари 82та лаборатория хонаси, 16та лингафон синфи, 988та замонавий компьютер ўрнатилган 75та компьютер синфи, "Ўқитувчи 30(60)" тизими билан жиҳозланган 11та синф, 17та электрон доска билан таъминланди.

Ҳозирги кунда Олий таълим муассасаларида 22332та компьютер мавжуд бўлиб, 100 нафар талабага 8,2та (2004 йилда 4,2та) компьютер тўғри келишини таъминлашга эришилди. 9та олий таълим муассасаларидаги ахборот технологиялари марказлари замонавий видеоконференция ускуналари билан жиҳозланди.

Олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги мавжуд 262та кутубхона негизида ахборот-ресурс марказлари (АРМ) ташкил этилди. Барча АРМлар замонавий компьютер техникалари ва телекоммуникация воситалари билан жиҳозланди.

Олий таълим муассасаларида 1500 дан ортиқ электрон дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилди, кутубхона тизимини автоматлаштириш ва электрон каталоглар яратиш бўйича лойиҳалар 44 олий таълим муассасасида амалга оширилди.

Аспирантура ва докторантурада таҳсил олаётган тадқиқотчилар сони 2004—2009 йиллар давомида қарийб 1,6 баробарга ошди. 2009 йил кўрсаткичлари бўйича (2004 йилга нисбатан) номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоялари сони 12,9 %, ўз муддатида ҳимоя қилган аспирант ва докторантлар сони 4,3 %га ошган.

Давлат илмий-техника дастурлари доирасида жами 415та 5,8 млрд.сўмлик илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда, бу эса 2004 йилга нисбатан қарийб 3,5 баробар кўпдир. Хўжалик шартномалари асосида бажарилаётган илмий ишлар ҳажми 2004—2009 йиллар давомида 3,3 баробарга ошган (2004 йилда 546.3 млн. сўм бўлган бўлса, 2009 йилда 2119.2 млн.сўмни ташкил этган).

Жаҳон эътирофига сазовор бўлган уч боскичли — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» республика спорт мусобақалари орқали болалар ва ўсмирлар ўртасида спортнинг оммавийлигини таъминланди.

Таҳлилларга кўра, 13-14 ёшли ўғил болаларнинг ўртача бўйи 2004 йилга нисбатан 1,9 смга, қизларники - 1,2 смга ошди. Ушбу ёшдаги ўғил болаларнинг ўртача вазни 3,3 кг, қизларники 2 кг. га ошди.

Ёш спортчиларимиз республика ва халқаро спорт мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, 3518та медаллар шодасини қўлга киритди. Уларнинг 1114 таси олтин, 1013 таси кумуш, 1391 таси бронза медалларидир.

2004-2009 йиллар давомида жами 7604та спорт тадбирлари ўтказилди, унда 4546426 нафар ўқувчи-ёшлар иштирок этган. Шундан, 2000113 нафарини қизлар ташкил этади.

30 дан ортиқ хорижий давлатларда жами 156 та турли халқаро мусобақалар, спорт фестивалдари ва ўқув-йигин машғулотларида 1691 нафар (951 нафарини қизлар) юртимиз вакиллари иштирок этди.

Буюк Британияда кураш бўйича Президент Ислом Каримов халқаро турнирида Музаработ туманидаги 31-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Омонгелди Эргашев 65 кг. вазн тоифасида олтин медалга сазовор бўлди. Шеробод туманидаги 2-мактаб ўқувчиси Камол Ёшалиев кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони бўлди.

Андижон вилоятидаги болалар ва ўсмирлар сузиш спорт мактаби ўқувчилари Фарҳод Аҳмалов, Нодира Шамсуддинова ва Маъмурбек Юсупов жорий йилнинг март ойида Германияда ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда 9та олтин, 2та кумуш медални қўлга киритдилар.

Болалар спорти

2009 йили Вьетнам пойтахти Ханой шаҳрида ўтказилган белбоғли кураш бўйича III Осиё ўйинлари мусобақасида наманганлик спортчилардан Ж.Абдулхаев, Р.Умаров, Ш.Бозоров 1-ўрин, Ў.Латипова 2-ўрин ва Н.Тўйчиев 3-ўринни эгаллади.

Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 5-мактаб ўқувчиси Шокирали Кодиров 2007 йили Италиянинг Сардина шаҳрида бўлиб ўтган таэквандо бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида шоҳсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Қашқадарё вилоятидаги умумтаълим муассасаларида таълим олаётган спортчи ўқувчилар Осиё ва жаҳон миқёсидаги чемпионатларда муваффақиятли иштирок этиб, 25та олтин, 48та кумуш, 81та бронза медалини қўлга киритишди.

Когон туманидаги 17-мактаб ўқувчиси Умид Ҳусеинов 2008 йили каратэ бўйича Марказий Осиё чемпионати голиби, Болгарияда бўлган 16-жаҳон кубоги мусобақаларида бронза медали соҳиби бўлди.

Самарқанд шаҳридаги 17-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Мафтуна Шамсиева Мисрда ўтказилган бадиий гимнастика мусобақасида кумуш медаль совриндори бўлди.

Урганч шаҳридаги 5-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси Гулноза Матниёзова Венгрия шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича жаҳон чемпионатида 2-ўринни эгаллаб қайтди. Янгиариқ туманидаги 9-умумтаълим мактаби ўқувчиси Мадёр Иброҳимов ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё биринчилигида оғир атлетика бўйича 3-ўринни эгаллади.

Сайхунобод туманидаги 41-мактаб ўқувчиси Самандар Калонов Милава шаҳрида шашка бўйича ўтказилган мусобақада жаҳон чемпиони бўлди. Шахмат бўйича 10 карра Ўзбекистон чемпиони, Осиё чемпионати совриндори Сарвиноз Қурбонбоева Пекин шаҳрида бўлиб ўтган Осиё биринчилигида ҳам 32та давлат вакиллари орасидан фахрли ўринни қўлга киритди.

2010

■ **Республикадаги жами мактаблар сони — 9772та.**
Шундан:
янги қурилганлари — **1559та;**
капитал реконструкция қилинганлари — **2224та;**
капитал таъмирланганлари — **3348та;**
жорий таъмирланганлари — **2591та.**

Мактабларнинг моддий-техник базаси:
дарсликлар таъминоти — **99,2 фоиз;**
ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — **79,3 фоиз;**
замонавий компьютер технологиялари билан таъминланганлиги — **68,9 фоиз;**

■ **Республикадаги болалар спорти объектлари:**
спорт залига эга мактаблар сони — **6151та;**
болалар спорти объектлари сони — **1188та;**
болалар спорти объектларининг спорт жиҳозлари ва ускуналари билан таъминланганлиги — **78,3 фоиз;**
ёшларнинг оммавий спорт тадбирларига қамраб олинганлиги — **43,6 фоиз.**

■ **Республикадаги мусиқа ва санъат мактаблари ва академик лицейлар сони — 305та.**
Шундан:
замонавий типдаги — **108та;**
таъмирталаб ҳамда мослаштирилганлари — **147та**
(2010-2014 йиллар давомида мавжуд мактаб бинолари янги қурилиш ҳамда капитал реконструкциялаш, таъмирлаш натижасида янгиланади).

■ **Республикадаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари (академик лицей, касб-ҳунар коллежлари) сони — 1536та.**
Шундан:
замонавий типдаги — **1413та;**
мослаштирилгани — **123та.**
Академик лицейлар сони — **142та.**
Касб-ҳунар коллежлари сони — **1394та.**

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари моддий-техник базаси:
ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — **85,1 фоиз;**
компьютер ҳамда ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — **86,1 фоиз;**
мавжуд техника воситалари сони — **22210та.**

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг кадрлар билан таъминланганлиги:
педагоглар ва муҳандис-педагоглар умумий сони — **111881 нафар.**
Шундан:
фан докторлари — **96 нафар;**
фан номзодлари — **1105 нафар;**
олий маълумотли ўқитувчилар — **101545 нафар.**

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитилаётган касбларнинг умумий сони — **251та.**

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қамраб олинган ўқувчилар умумий сони — **1036104 нафар.**

■ **Республикадаги олий таълим муассасалари (ОТМ филиаллари) сони — 76та.**
Шундан:
университетлар — **19та;**
институтлар — **36та;**
академиялар — **2та;**
консерватория — **1та;**
рақс ва хореография олий мактаби — **1та;**
ОТМлари филиаллари — **11та;**
Хорижий давлатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари — **6та.**

Мамлакатимиз маънавий ва илмий салоҳиятини юксалтириш йўлида самарали меҳнат қилаётган ўқитувчи мураббийларни умумхалқ байрами муносабати билан табриклаш шарафига муяссар бўлганимиздан мамнунмиз. Барчангизга бахт-саодат, келажакдаги ишларингизга улкан зафарлар тилаймиз!

“MATBUOT TARQATUVCHI” aksiyadorlik kompaniyasi

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАҚТЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА БЎЛИНГ!

ХҚХҚ

ХАЛҚАРО ҚИЗИЛ ХОЧ ҚЎМИТАСИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ МИНТАҚАВИЙ ВАКОЛАТХОНАСИ

Халқаро Қизил Хоч Қўмитасининг Марказий Осиёдаги Минтақавий ваколатхонаси Ўзбекистон Республикасидаги барча ўқитувчи ва мураббийларни касб байрамлари билан табриклайди ва уларга сиҳат-саломатлик тилайди.

Ижтимоий-гуманитар ва бошланғич ҳарбий таълим соҳаларида инсонпарварлик ғояларини тарғиб қилувчи ўқув қўлланмалари, кўргазмали ва мультимедиа материаллари яратиш жараёнида иштирок этаётган педагогларга ўз миннатдорлигимизни билдириб, уларнинг масъулиятли фаолиятида муваффақиятлар тилаймиз.

Дунёмиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин! Зеро, тинчлик деган улуғ неъмат Ер юзида ҳукм сурсагина, мактабларимизда таълим-тарбия жараёни ривожланади, Сиз, азиз ва муҳтарам педагогларнинг осойишталик ҳукм сураётган мамлакатда заҳмат чекиб қилаётган меҳнатларингиз мева келтиради.

Умр инсоннинг хайрли ишларга қўл уриши, ортидан яхши ном қолдириши учун берилган имкондир. Бунда кишининг қаерда ишлаши, касб-корининг аҳамияти йўқ. Энг асосийси, кўнгилда истак ва хоҳиш, ҳаракат ва уриниш бўлса бас, у ҳар қандай шароитда эзгуликлар сари йўл топмоғи мумкин. Бу йўл эса фидойилик аталмиш фазилат билан зийнатланади.

Йигирма олти йилдан буён Қизилтепа туман Ўқувчилар ижодиёт марказида меҳнат қилиб келаётган Шокир ака Ҳабибовнинг фаолиятини кузатар эканман, беихтиёр юқоридаги хаёллар ўтади кўнглимдан. Дарҳақиқат, одамзоднинг ҳаётда том маънода ўзидан, ўтаётган кунларидан қониқиб жамиятга, атрофидагиларга керак эканини ҳис этиб яшамоғи учун ҳам кўп нарса талаб этилмайди. Яхши амалларни кўнглига тукқан жон унинг ижобати калитини ҳам ўзи топади.

Maktabdan tashqari ta'lim

МАКТАБДАН ТАШҚАРИДАГИ МАКТАБ

Боланинг бўш вақти тўғри ташкил этилгандагина унинг таълим-тарбиясидаги мувозанат қарор топмоғи, ўз мақсадлари сари оғишмай одимламоғи мумкин. Шокир ака мана йигирма олти йилдирки, ўнлаб ёшларнинг устози сифатида мактабдан ташқари таълим имкониятларини кенгайтириб, уларнинг жамиятнинг фаол, жонкуяр аъзоларига айланиши учун фидойилик билан меҳнат қилмоқда.

— Дастлаб иш бошлаган кезларим марказда бор-йўғи 6та тўгарак фаолият юритарди,—дейди мураббий.— Ҳозир эса 68та турли йўналишлардаги тўгаракларда узлуксиз машғулотлар олиб борилмоқда.

Шокир ака муассаса раҳбари сифатида тўгаракларни кенгайтириш режасини тузар экан, маҳаллий шарт-шароитлар, ёшларнинг қизиқишлари, миллий анъана ва удумлар, қадриятларни бир-бирига уйғунлаштиришга ҳаракат қилди. Шунингдек, у ўз олдига ҳамиша бир саволни кўндаланг қўяди: «Хўш, ўғил-қизларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга, уларни касб-ҳунарга йўналтириш, қизиқишлари билан ҳисоблашиш орқали турли ташқи салбий таъсирлардан ҳимоя қилишга эришяпмизми? Болаларнинг ўрганганлари эртага ҳаётда ўз ўрнини топиши, турмуш фаровонлигини оширишига қанчалик хизмат қилади? Дарҳақиқат ана шу ўй, ниятлар билан иш фаолиятини бошлаган «Зардўзлик», «Дурадгорлик», «Тикувчилик», «Автомодель» тўгаракларига қатнаган йигит-қизларнинг кўпчилиги бугун ўзлари моҳир ҳунармандлар қатори шогирдларига етакчилик қилишмоқда. Рўзғорлари тўкис. Анвар Шодиевнинг рассом, Дилфуза Темированинг санъаткор, Элмурод Қаюмовнинг пайвандчилик касбини улуғлаб бугун эл аро ҳурмат топгани, улар бир пайтлар ана шу марказда ўз қобилиятларини намойиш этганини хаёлидан ўтказар экан, Шокир аканинг кўнгли таскин топади.

Ёдида, қайсидир йили вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси томонидан рўйхатга олиниб, «тарбияси оғир» дея кўпчиликнинг «ташвиши»га айланган бир ўқувчини марказга бошлаб келишди. Мураббий болани ёнига олиб обдон суҳбатлашди. Қизиқишлари, орзу-умидлари, оилавий шароитига қизикди. Англадики, болакай меҳрга, эътиборга муҳтож. Ҳатто «ёмон»лигига ўзи ҳам ишонибкўникиб қолган. Албатта, уни тўгаракларга жалб этиш, фойдали меҳнатга кўниктириш анча қийин кечди. Лекин малакали мураббийлар ёрдамида бунга эришиш мумкин. Бу ўринда айниқса, тўгарак фаолларидан иборат ўз-ўзини бошқариш тизимининг жорий этилгани қўл келди. Бола бирор машғулотни қолдирдими, тенгдошлари ортидан йўқлаб келади. Дарсларни ўзлаштиришга қийналса, кўмаклашишади. Хуллас, марказда қарор топган ана шундай дўстона муҳит уни тарбиялади.

— Маълумки, бола дарсда жисмонан, руҳан толиқади, — дейди марказ раҳбарининг ўқув–тарбия ишлари бўйича муовини Юлдуз Қаюмова. — Демак, марказдаги муҳит унинг дам олиши, ўзини эркин тутиб шуғулланиши учун имконият яратиши керак. Шуни эътиборга олиб машғулот хоналарининг йўналишига қараб парталар ўрнига гилам ёзиб, хонтахта атрофига кўрпачалар ташладикки, қизлар бемалол ўтириб қуроқчилик, тикувчилик, тўқувчилик сингари ўзлари севган ҳунарларни ўрганишсин. Зардўзлик учун асқотадиган анжомлар ҳам шу мақсадда қайта тайёрланди.

Марказда ҳомийлар кўмагида қад ростлаган қўшимча хоналарни кузатар эканман, эшигига «Йўрмадўзлик», «Миллий совға» деб ёзилган тўгаракларда олиб борилаётган машғулотлар, бурчаклардаги турли тарихий экспонатлар эътиборимни тортади.

— «Йўрмадўзлик» тўгарагини ташкил этиш учун ходимларимиз Мўмина биби Қурбонованинг уйига бориб момомерос ҳунарларимизни қунт билан ўрганишди,— деб сўзини давом эттиради Юлдузхон.

— Ая бир пайтлар қўли гул чевар бўлиб чопонларнинг четларига бигиз билан йўрмалар тўқиш, ёстиққошлар тикиш, чимилдиқларга зеб бериш санъати билан машҳур бўлганлар. У киши кексайгач бу ҳунарни давом эттирувчилар топилмаган. Айни кунда тўгаракка қатнаётган қизларимиз бу ҳунарни бемалол ўзлаштириб олишмоқда.

Хоналарнинг биридаги замонавий тикув машиналари, спорт анжомлари яқинда туман ҳокимлиги томонидан совға қилинибди. Бу туҳфа марказ ўқувчиларининг вилоят, республика миқёсида ўтказилаётган турли танловлардаги муваффақиятлари учун хизмат қилаётгани эътиборлидир.

— Ҳудудимизда имконияти чекланган болалар махсус мактаб- интернати бор, — дейди сўз орасида Ш.Ҳабибов.— Интернатда «Сартарошлик», «Рақс» тўгаракларини ташкил этганмиз. Уларнинг имкониятларидан келиб чиқиб келажакда жамиятда ўринларини топишга кўмаклашувчи касб-ҳунарларга йўналтирилган янги тўгараклар очмоқчимиз. Қизилтепада диққатга молик қадамжолар жуда кўп. «Ўлкашунослик» тўгарагига ёшларни жалб этиш орқали ана шу масканлар ҳақидаги ўғил-қизларимизнинг тасаввурларини бойитиш, керак бўлса, ҳудудимизнинг тарихи, табиатни ўрганишга уларни ҳам йўналтиришга ҳаракат қиламиз. Чунки Ватанга муҳаббат, аввало, ана шу маҳалла, кўча, қишлоқнинг кечаги кунини билиш, уни севиш, фахрланишдан бошланади-да! Бир пайтлар ота-боболаримиз темирчилик, сандиқсозлик, кулоллик каби ҳунарлари билан ҳам машҳур бўлишган. Ҳозир қишлоқларда фермерлик ҳаракати кенг тараққий топган. Йигитларимиз эртага ер илмидан, техникаларни тузатиш уқувидан бохабар бўлса бизнинг хизматимиз «мана мен» дея бўй кўрсатмоғи, табиий. Даврнинг талаби шу!..

Шокир ака сўзлаётганда, мактабдан ташқари таълимнинг ўзи бир мактаб экани, унинг вазифаси таълим-тарбия тизимида нечоғлик катта аҳамият касб этиши кўз ўнгимда намоён бўлаверади. Дарвоқе, мураббий бир одатини ҳеч канда қилмай, баъзида атрофидагиларга шу ҳақда гапириб беради:

...Ҳар куни жуда вақтли уйғонаман. Ва шу юртда туғилганим, шу Ватаннинг корига яраётганимга шукроналар айтиб дарвозани очишга шошиламан. Қадам ташлар эканман, одимларимни санаб ҳар бирида бир ниятни дилимга туяман: «Ўзбекистоннинг яхши кунларига кўз тегмасин, шу Ватанга муносиб бўлайлик», «Халқимизнинг ҳамжиҳатлиги бардавом бўлсин», «Юзимиз ҳамиша ёруғ бўлсин»...

Бу одатда катта ҳикмат жам. Мураббийнинг яна бир ибрати бор унда! Ҳар биримизга тонгларни ана шундай қалб ва шижоат билан қарши олмоқ бахти насиб этсин.

Ойбуви ОЧИЛОВА

ҚЎНҒИРОҚДАН... ҚЎНҒИРОҚҚАЧА

5—6-синфда "Устоз — улуғ зот" деган мавзуда иншо ёзардик. Иншолар ёмон чиқмасди. Ҳар ким ўқитувчилик касбига ўзининг дунёқараши, тасаввурлари, таассуротларидан келиб чиққан ҳолда таъриф берар ва бу йўлда шууридаги жамики чиройли сўзларни ишга соларди. Бизга сабоқ берувчи инсонлар ҳақида айтилмаган бирор илиқ сўз ёки гўзал иборанинг ўзи қолмагандек кўринарди, ҳатто. Бироқ, энди ўйлаб қарасам, ўшанда биз устоз улуғлигининг асл моҳиятини ҳали яхши англамаган, "улуғ зот" деган қисқагина таърифга лойиқ бўлишдан аввал, ўқитувчи юзлаб асаб ҳужайраларидан айрилиши, минглаб ўқувчиларга худди ўз фарзандидек муомала қилиши, миллионлаб дафтарларни текшириб чиқиши керақлигини хаёлимизга ҳам келтирмаган эканмиз.

ОДАМГА ЎХШАБ...

Саодат Зоитова тонгда, соат 5ларда уйғониб, иш столининг деярли ярмини эгаллаб ётган тахлам-тахлам дафтарларни бирин-кетин текшира бошлайди. Кейин нонушта тайёрлаб, фарзандларини ўқишга, турмуш ўртоғини ишга кузатади. Каттароқ елим халтага текширилган дафтарларни жойлаб, ўзи ҳам мактабга — ишхонасига қараб йўл олади. Биринчи дарс 8:00да. 9-синфларга "Услубият" мавзусини ўтиши керак. Саодат опа умрини мактабга, касбига бағишлаган. Биз таниган ва танимаган бошқа кўплаб устозлар каби. Тўғрида, муаллимликни ўзига касб қилган инсонлар ҳаётининг ўртача 72 минг соати мактабда ўтади. Кунига 6 соатдан кўпроқ вақт давомида болалар билан тинимсиз мулоқотда бўлиб келган ўқитувчи уйда яна "нормий ўқитувчилик" — фарзандлар тарбияси билан шуғулланишга мажбур. Хуллас, агар бу касбнинг икир-чикирлари билан қизиқаверсангиз, "Бу ўқитувчи деганлари одамга ўхшаб дам оладими ўзи?", деган ўринли савол сизни безовта қилиши, шубҳасиз. Бир қанча ўқитувчилар билан суҳбатлашиб, бу масалага озмикўпми, ойдинлик киритишга ҳаракат қилдик.

АДАШГАН ЭКАНМАН...

"Жуда ҳам ёш эдик. Болалар билан ўқитувчиларга лақаб тўқиб, шўхлик қилиб юрган пайтларимиз. Инглиз тилидан Шарофат опа(исми ўзгартирилган — **муаллиф**) деган ўқитувчи дарс берарди. Ўқитувчини ёмон кўрмасдим, фақат дарсда жим ўтириш масаласи сал чатоқ эди. Охири, болалар билан ҳаддан ташқари кўп гаплашиб юбордимми, бир-икки марта дашном бергач, охири, "Дарсдан чиқиб кетинг", деди. Мен эса худди ҳеч нима бўлмагандек, "иш"имни давом эттирдим. Чиқиб кетсам бўларкан, Шарофат опа нимагадир йиғлаб юборди. Бутун синф билан у кишини овутишга тушдик. Бурунларини тортиб-тортиб, яна ҳеч нарса бўлмагандек дарс ўта бошлаганлари эсимда. Кейин билсам, ўшанда, ўқитувчимизнинг фарзанди шифохонада оғир касал бўлиб ётган экан. Яхши иш қилмаганимни тушундим. Кечирим сўрадим. Лекин мана шу хатом туфайли, Шарофат опанинг кўзларига қарай олмайдиган бўлиб қолдим. Ўқитувчининг бизга дарс ўтишдан бошқа муаммоси йўқ, деб ўйлаб юрганман-да, ўзимча. Фарзандли бўлиб, бола тарбияси елкамга тушгач, қанчалик адашганимни яна ҳам чуқурроқ ҳис қилдим".

(Давоми 17-бетда.)

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

Айёмингиз муборак бўлсин, азиз ўқитувчи ва мураббийлар! Барчангизга тинчлик-хотиржамлик, оилавий бахт, шахсий ҳаётларингизда улкан зафарлар тилаб қоламиз.



ЭҲТИРОМИМИЗ СИЗГА, УСТОЗЛАР!

Аҳмаджон МАМАДЖОНОВ, бокс бўйича Осиё чемпиони, Сингапурдаги I Ёзги ёшлар олимпиадасининг кумуш медали совриндори, халқаро тоифадаги спорт устаси

— Турли пайтлар — кундалик ҳаётда ёки мусобақалар вақтида шундай бир фурсат бўладики, ўша кичик лаҳзада мураббийлик меҳнати машаққати, шогирди сифатида менга берган самимий панд-насиҳатлари, маслаҳату ўгитлари, умуман, устоз қадрини чуқур ҳис қиламан. Тўғри-да, ахир сиз билан иссиқ-совуқ кунларда, ғалаба ва мағлубият онларида ҳам доимо ёнингизда бўлишга, қўллаб-қувватлашга, руҳан далда беришга интиладиган инсон — мураббий энг яқинларингиздан бирига айланади.

Менинг ҳам ҳаётда ўз ўрнимни эгаллашимда устозим — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий, бокс бўйича халқаро тоифадаги ҳакам Садир Шомақсудовнинг хизматлари беқиёс бўлган. Хусусан, Сингапурдаги I Ёшлар олимпиадасида ғолиблар қаторида шоҳсупага кўтарилаётганимда ҳам қулоқларим остида унинг: «Ғалабага эришиш учун фақат яхши боксчи бўлиш камлик қилади. Бунинг учун рақибни ҳурмат қилиш, ўз кураш услубига эга бўлиш, энг асосийси, қалбингда ҳаққоний мақсадига ва юксакликка интилиш ҳисси мужассам бўлмоғи зарур», деган сўзлари жаранглаб турди.

Айни пайтда мен Тошкент вилоят Давлат педагогика институтининг биринчи курс талабасиман, устозим қатори ўзим ҳам мураббийлик фаолиятини бошладим. Бугун мамлакатимиздаги устоз-мураббийлар қатори менга таълим даргоҳларида сабоқ берган барча ўқитувчиларни байрам билан қутлайман! Барчангиз биз, шогирдларингиз бахтига омон бўлинг. Чексиз эҳтиромим сизга, устозлар!

Евгения КАРИМОВА, таэквондо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи:

— Спортда доимо мураббийнинг ўрни беқиёс. Қолаверса, спортчи ютуқларининг деярли барчасига устозининг тўғри йўл-йўриқлари, тайёргарлик жараёнини самарали ташкиллаштириш ҳамда билим-кўникмаларни эгаллашга кўмаклашиши орқали эришади. Бугунги кунда озми-кўпми эришган ютуқларим, кўрсатаётган натижаларимда биринчи мураббийим Барно Фармоновнинг улуши катта. Ўзимга нисбатан ишончни пайдо қилиш, қийинчиликларни енгиб ўтишни ҳам айнан ўша инсон ўргатган. «Қўлингдан ҳамма нарса келади. Фақат астойдил ҳаракат қилишинг керак», деган далдаси доимо ёдимда туради. Илк устозимнинг сабоқларини эсласам кўнглимда миннатдорлик туйғуси жўш уради.

Устоз деганда фақат сабоқ берувчи инсонни эмас, балки зарур пайтда суянишимиз мумкин бўлган, биздан меҳрини, маслаҳатларини аямайдиган зотни тушунаман. Айни кунда терма жамоадаги таэквондо сир-асрорларини ўргатаётган мураббийим Александр Ли ана шундай фидойи инсон. Бу йил спортдаги фаолиятим юксак баҳоланиб, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» унвони берилганда ҳам устозларимнинг менга сингган меҳнатлари кўз олдимга келди. Шуни алоҳида эътироф этишим зарурки, ютуқларимдан ота-онам қатори қувониб турадиган мураббийларимнинг борлиги доим мени янги марралар сари йўл олишга ундайди.

«УСТОЗЛАР ИШОНЧИ ИЖОД ОЛАМИГА ЧОРЛАДИ»

Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, рангтасвирчи рассом Ғайрат Ортиқов 34 йилдирки ёшларга рассомлик сирларини ўргатиб келмоқда. Унинг беминнат хизматлари Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида Президентимиз томонидан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" унвони билан муносиб эътироф этилди.

— Камтарона меҳнатимни қадрлаб, мени ушбу унвонга муносиб кўрганликлари учун Президентимиз ва ҳукуматимизга алоҳида миннатдорлик билдираман, — дейди Ғ.Ортиқов.

Ғайрат Ортиқовнинг иқтидорли рассом ҳамда етук мураббий бўлиб етишишида айнан устозларининг ҳиссаси катта бўлган.

— Устоз-мураббийлар ҳар бир инсон камолотида муҳим ўрин тутади. Мактабда ўқиб юрган кезларим ўқитувчимиз Абдужаббор Мажидов расм, чизматасвир дарсларини жуда қизиқарли тарзда олиб борарди. Шу сабабли унинг дарсларини қолдирмасликка ҳаракат қилардим, — дея ёдга олди Ғайрат ака. — Бир куни у мендаги расм чизишга бўлган қизиқиш ва лаёқатни пайқаб, ўзи ишлайдиган болалар ижод марказидаги рассомчилик тўгарагига олиб борди. Устозимнинг саъй-ҳаракатлари, эътибор ила берган сабоқлари туфайли менда тасвирий санъатга меҳр уйғонди. Ёшлигимда қадимий буюмларни йиғишни, уларни қўйиб натюрморт ишлашни хуш кўрардим.

Кейинчалик Беньков номидаги билим юртида ҳам устозлар йўриғи менга асқотди, десам муболаға бўлмайди. Билим юртини тугатиш кезларида тенгдошларим Санкт-Петербургдаги И.Репин номидаги рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик институтига таҳсил олиш мақсадида ҳужжат топшириш, танловдан ўтиш пайига тушиб қолишган эди. Негадир бу борада менда қизиқиш бўлмаган.

Кунларнинг бирида билим юрти директори Ғафур Абдураҳмонов мени ўз хонасига чақиртирди ва қандайдир калом кутгандек жиддий нигоҳ ташлаб: "Нега ёнимга келмадинг, сен ҳам боришни истамайсанми?", деб сўради. Аввалига қўққисдан берилган саволга тушунмадим, сўнг эшик олдидаги навбатда турган болалар тўполони мени сергаклантирди. Сўнг "Билмадим, шу ерда ҳам ўқисам бўлади", дея жавоб бердим. Ғафур ака эса у ерда таҳсил олишга айнан мени муносиб кўрганини айтиб, эртасигаёқ ота-онамни чақиртирди. Шу-шу Ўзбекистон Халқ рассоми Акмал Икромжонов билан институтдаги синовлардан муваффақиятли ўтиб, у ерда таҳсил олиб қайтдик.

Доцент Ғайрат Ортиқов узоқ йиллар давомида институтнинг рангтасвир кафедраси мудири сифатида фаолият олиб бориб, талабчан ва моҳир педагоглиги билан ҳамкасблари, талабалар орасида ҳурмат-эътибор топди. У рангтасвир техника-технологияси билан бир қаторда театр декорацияси, саноат графикаси ва ғилофлаш, реставрация (санъат асарларини таъмирлаш) каби йўналишларда ҳам талабаларга таълим берган. Таъкидлаш жоизки, айнан Ғайрат аканинг саъй-ҳаракати билан 1996 йили институт қошида республикада ягона бўлган санъат асарларини сақлаш ва таъмирлаш лабораторияси ташкил этилди.



Қаҳрамонимиз нафақат етук педагог, балки иқтидорли рассом сифатида ҳам сермаҳсул ижоди билан танилиб улгурган. У яратган асарлар кўпгина хорижий мамлакатлар музей ва шахсий коллекцияларида сақланмоқда. Рассом қай бир жанр — портрет, натюрморт, манзара, маиший, тарихий жанрда изланмасин ҳар бир асарида янгича ғоялар яратишга интилади. "Умар Шайх Мирзо ибн Абу Саид Мирзо" портрети, "Шуҳрат устахонада", "Куз оқшоми", "Атиргул ва китоблар", "Хива манзараси" каби асарларида ўзига хослик, нур ва соя ўйинлари ҳамда колоритни маҳорат билан қўллаши яққол кўзга ташланади.

Мураббийлик ўзига хос машаққатли касб экани барчамизга маълум. Аммо ижодкор талабаларга таълим бериш, уларга маҳорат сирларини ўргатиш янада катта ғайрат талаб этади. Чунки тарбияланаётган боланинг тақдири қайсидир маънода мураббийга, унинг таҳсил бериш методларига боғлиқ.

— Ёшларга бирор мавзу, соҳани тушунтиришда, аввало, бунга қизиқиш уйғотиш лозим. Кўпгина социологлар санъат соҳасида қобилият катта аҳамият касб этади, дейди. Аммо менинг фикримча, ижодкор бўлишида бола қобилиятининг 20-30 фоизи муҳим бўлиб, қолгани унинг меҳнатига, саъй-ҳаракатига боғлиқ. Мисол учун шогирдим Дилшод Азизов меҳнаткашлиги боис кўпгина ютуқларга эришди.

Замон ўзгариб боргани сари талаба ҳам, унга қўйиладиган талаб ҳам ўзгариб боради. Устоз аввало меҳрли инсон бўлиши керак. Бу айниқса, ижодкор талабаларга таалуқли. Биз мураббийлар уларнинг руҳиятида янгича ғояларни, илҳомни уйғота олишимиз даркор. Меҳр билан айтилган ҳар бир сўз киши ёдида қолади. Устозимиз доимо бизга ҳаётий воқеалар мисолида ҳалоллик, меҳнатсеварлик ҳақида гапирарди. Тўғри, баъзи сўзларининг асл моҳиятини кейинчалик англаб етиб, қадрлай олдик. Бола тарбияси, унинг билим олишида қаттиқ гапириш, уни доимо койиш дарсларга бўлган қизиқишини сўндиради. Мен кези келганда соатлаб тушунтираман. ҳар бир дарсни бир-биридан кескин фарқли, ўзгача руҳиятда ўтказишга интиламан. Уларга образларни кўчириш эмас, балки яратиш лозим эканини уқтираман.

Юртбошимиз айтганларидек, "...келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ" экан, устозлар саъй-ҳаракатлари келажак пойдеворини қуришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай фидойи инсонлар кўпаяр экан, ёш авлод тарбияси, камолоти ишончли қўлларда, деб айта олишимиз мумкин.

Моҳичеҳра ЛАТИПОВА,
"Ma'rifat" мухбири

ҚЎНҒИРОҚДАН... ҚЎНҒИРОҚҚАЧА

(Давоми. Боши 15-бетда.)

МУАММОЛАР...

Ҳар бир касбнинг ўзига яраша мураккабликлари бўлади. Инсон табиати нозик, истаймизми-йўқми, ташқи омиллар, баъзан арзимайдиган ҳолатлар ҳам кайфиятимизга салбий таъсир қилиши мумкин. Ўқитувчилик касбини маънавий толиқиш ёки асаббузарликларсиз тасаввур қилиш қийин, чунки кундалик ҳаётида кўплаб одамлар, турли-туман феъл-атвор эгалари билан мулоқотда бўлади. Мазкур касб соҳибларининг катта қисми аёллардан иборат эканини ҳисобга олиб, шуни айтиш мумкинки, қайнона, турмуш ўртоғи, фарзандлар, қўни-қўшнилар ўқитувчи мулоқот доирасининг кичик бир қисми холос. Унинг қолган қисмини мактаб маъмурияти, ҳамкасблар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ташкил этади. Синф тахтаси ёнида навбатдаги мавзуни болаларга тушунтираётган ҳолатда тасаввур қилишга одатланиб қолганимиз, ўқитувчи, аслида мунтазам давом этувчи ижтимоий муносабатларнинг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Қизиқ, бу каби "руҳий синовлар"ни енгиш учун мураббийлар қандай усуллардан фойдаланишар экан?

— Инсоннинг энг катта бойлиги — муомаласи, ширинсўзлиги, сабр-қаноати деб биламан, — дейди Учтепа туманидаги 106-мактаб ўқитувчиси Марғуба Исомиддинова. — Мана шу фазилатлар ёрдамида кўпгина муаммоларимни енгиб ўта олдим. Икки келиним бор. Бир қарашда, бошқа хонадонда тарбия кўрган, бошқа инсонларнинг фарзанди бўлган қизлар сизнинг рўзғорингизга мослашиши, оилавий муҳитга кўникиб кетиши бироз мушкулдек кўринади. Аммо келинларим фарзандимдек бўлиб қолган. Ишдан келганимда, очиқ чеҳра билан кутиб олишади, елиб-югуриб хизматимни қилишади. Невараларим билан ўйнашни жуда яхши кўраман. Кичкина неварамнинг жуда қизиқ, лекин менга ёқадиган одати бор: эртак айтмасам ухламайди. Мактабдан ташқари вақтимни, асосан, унга бағишлайман. Баъзан ҳаддан ташқари руҳий тушкунликка тушиб қолсам, жим-жит хонада бир-икки мисра шеър қоралайман. Шоирликка даъвоим йўқ, бироқ бу ҳаётим ҳақида ўйлаб кўришга, мени қийнаётган муаммолардан халос бўлишга ёрдам беради.

ҲАЁТДАН МАМНУН БЎЛИБ ЯШАНГ!

Кузатишларимиздан маълум бўлдики, ўқитувчининг энг катта муаммоси — вақт етишмаслиги экан. Деярли ҳамма суҳбатдошимиз кунни ҳали қуёш чиқиб улгурмасдан қарши олишини таъкидлади. Нонуштагача уларнинг асосий машғулоти дафтар текшириш ёки ўтиладиган мавзуларга тайёргарлик кўришдан иборат бўлади.

— Баъзан, иш фаолиятимга ҳаддан ташқари берилиб кетиб, фарзанд тарбиясига етарлича вақт ажрата олмадиммикан, деб ўйлаб қоламан. Ўқувчиларимни деярли ҳар ҳафта музей ёки театрга олиб бораман, лекин ўзимнинг болаларим билан сўнгги марта бирор маданий ҳордиқ олиш масканига борганимизни эслай олмайман. Қўшни аёллар билан "ғийбатлашиш"га, сериал кўришга, салонма-салон, бозорма-бозор юришга-ку умуман вақт йўқ, — дейди С.Зоитова.

Дарҳақиқат, бугунги тезкор замонда воқеалар, ҳолатлар, ижтимоий муносабатлар шиддат билан ўзгариб бормоқда. Бу ўзгаришлар ўқитувчи кун тартибини янада зичлаштириб, "бўш вақт" сўз бирикмасини луғат бойлигидан бутунлай сиқиб чиқаришга хизмат қилянпти. Устозлардан уларнинг "хобби"си, мактабдан ташқари вақтларида бажарадиган ишлари хусусида сўрадик. Жавоблар турлича бўлди. Масалан, кимдир уй



ҳайвонларини парваришлаш, кимдир тикувчилик, яна кимдир эса пазандалик билан шуғулланаркан. Айрим ўқитувчилар ҳовлисидаги турфа ранг ва шаклдаги гулларга қараб завқланса, айримлари дурадгорлик юмушларини бажаради, бошқалари кураш, футбол, сузиш ва шахмат бўйича ҳар қандай спорт устаси билан беллашишга тайёр.

Мактабда 30 йилдан бери ишлаётган Зарбуви Холбекова бўш вақти бўлди дегунча, кўйлаклар, ёстиқ ва кўрпа жилдлари тикиш билан машғул бўлиши ҳақида айтди. "Мен учун ҳар қандай жисмоний меҳнатнинг ўзи ҳордиқ, — деди у. — Ширинликлар пиширишнинг устаси эмасман-ку, лекин ҳар куни нон ёпаман, уй тозалайман, агар жуда чарчаган бўлсам, онда-сонда миллий каналларимиз орқали узатилаётган сериалларни ҳам кўришга улгураман".

ЎҚИТУВЧИЛАР ҲАР ХИЛ БЎЛАДИ

Яна бир жиҳатни таъкидлаб ўтиш керак: эркак ва аёл ўқитувчиларнинг фаолияти, аниқроғи бўш вақти бир-биридан фарқ қиларкан. Масалан, эркак ўқитувчилар ишдан холи бўлган вақтини кўпинча ТВ орқали футбол кўриш, дўстлар билан суҳбатлашиш ёки рўзғор анжомлари билан боғлиқ майда-чуйда носозликларни тузатишга сарфлайди, аёллар эса мактабдаги болалар тарбиясидан уйдаги болалар тарбиясига "шўнғийди". Бу орада улар тушлик учун овқат пиширириши, фарзандига уй вазифаларини тайёрлашда ёрдамлашиб юбориши ҳамда аёлларга хос бўлган бошқа юмушларга вақт ажратиши керак.

Ёши улуғ ўқитувчилар ҳамда ўқитувчилик соҳасига энди кириб келаётган мураббийларнинг бўш вақти ҳам турлича ўтиши маълум бўлди. Ёш ўқитувчилар мактаб эшикларидан ташқарида, асосан таълим олиш, янги ахборотларни ўзлаштириш, интернетда дўстлар билан суҳбатлашиш каби ишлар билан банд бўлса, катта ёшдаги ўқитувчиларнинг асосий бўш вақти невара тарбияси, уй ишлари ва... ондасонда сериал кўришга сарфланар экан. Албатта, ҳар бир ўқитувчининг бўш вақти унинг оилавий шароити, мутахассислиги, феъл-атворига ҳам боғлиқ. Дейлик, она тили ва адабиёт ўқитувчиси физика ўқитувчисига қараганда, дафтар текшириш учун кўпроқ вақт ажратишига тўғри келади. Қишлоқ ўқитувчилари дарслардан кейин деҳқончилик ёки чорвачилик билан шуғулланади. Кўчат ўтқазиш, сабзи ўташ, сигир соғиш каби юмушлардан завқ оладиган, барча муаммоларни унутиб, маънавий ҳордиқ чиқарадиган ўқитувчилар ҳам бор.

Мактаб ўқитувчиси нафақага чиққандан кейин фаолияти давомида эгаллаган тажриба ва кўникмаларидан невара тарбиясида самарали фойдалана олади. Наманган вилоятининг Нанай қишлоғида истиқомат қилувчи Рислиғой Ҳасанбоева бугун 73 ёшни қарши олаётган бўлишига қарамасдан, нафақат неваралар, балки чевараларнинг тарбиясини ҳам ўз зиммасига олган. У ҳовлисидаги боғда сайр қилишни, мевали дарахтларни парваришлашни хуш кўради. Рислиғой опанинг хонасидаги гулдонда, албатта, бир даста гул бўлиши керак. Атиргуллардан таралаётган ёқимли ифор ўқитувчи кайфиятини кўтаради, унинг руҳий ҳордиқ чиқаришига ёрдам беради...

Вақт ўтиши билан ўқитувчи улуғлигининг асл моҳиятини англай бошладим: муаллимнинг ҳаёти у дарс берадиган фан ёки синф тахтасига мисол ёзишдангина иборат эмас. Унинг ҳам оиласи, рўзғори, шунга яраша, шахсий ташвишлари, орзу-умидлари бор. Яна шуни англадимки, бу мураккаб ва шарафли ҳаётни биргина иншога, биргина мақолага сиғдиришнинг илажи йўқ экан.

Висола ҚАРШИБОЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

1 октябрь — «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» умумхалқ байрами барчангизга муборак бўлсин! Келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшаётган устозларга, фан-техника тараққиётига салмоқли улуш қўшаётган олимларга, ёшларга спорт сирларини ўргатиб, уларни жаҳон шоҳсупаларига олиб чиқаётган тажрибали мураббийларга улкан зафарлар ёр бўлишини тилаймиз!



Айёмингиз муборак бўлсин, азизлар!

AGROBANK

«АГРОБАНК»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Айёмингиз муборак, азиз ўқитувчилар ва мураббийлар!

Сизларга ишончли, қулай ва замонавий банк хизмат турларини таклиф этади

- ***Пластик карточка*** *замонавий ва ишончли тўлов воситаси!*
- ***Visa Card*** *дунё бўйлаб молиявий эркинлик!*
- ***Пул ўтказмалари*** *тез, оддий ва ишончли!*
- ***Депозит катакчалар*** *қимматли бойликларингизнинг кафолатли сақланиши!*
- ***Пул омонатлари*** *даромадингизни кўпайтиришнинг ишончли усули!*

«Агробанк» — юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчи!

Хизматлар лицензияланган

AMIR TEMUR
(1336-1405)


ALISHER NAVOIY
(1441–1501)


Aleksandr Sergeyevich PUSHKIN
(1799–1837)
Александр Сергеевич ПУШКИН


IOGANN BAX
(1685–1760)
ИОГАНН БАХ

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси

Сиз, таълим-тарбия фидоийларини 1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан самимий муборакбод этади! Шунингдек, "Баркамол авлод йили" муносабати билан нашрга тайёрланган бадиий китоблар, машҳур алломалар, шоир ва бастакорларнинг расмлари тўпламлари, турли маънавий-маърифий, кўргазмали плакатлар ҳамда мактабгача таълим тизими учун қоғоздан тайёрланган турли ўйинчоқларни таклиф этади.



KUZ

Oltin tarvuz

Манзилимиз: 100128, Тошкент ш. Шайхонтоҳур кўчаси. 86-уй.
Мурожаат учун телефонлар: (8371) 241-83-29; 241-35-47.
Факс: (8371) 241-82-69.
E-mail: iptdgulom@sarkor.uz
Web: www.iptdgulom.uz

В метро

Mehmonnavozlik


CHILLAK



МИРЖАЛОЛ ИЗДОШЛАРИ АНДИЖОНДАН ЧИҚАДИ

Мамлакатимиз ёшларини ўзаро жипслаштирувчи, бирлаштирувчи улкан ҳаракатлардан бири бу, шубҳасиз, спортдир. Навқирон авлод вакилларининг ҳар соҳада илғор бўлишлари учун диёримизда барча шароитлар яратилаётгани, имкониятлар эшиги кенг очилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Мунтазам равишда ташкиллаштирилувчи турли мусобақалар орқали юртимиз эгаларини соғлом ҳаёт тарзига чорлаш, уларни маънан юксалтириш ва том маънода ватанпарвар, элпарвар, оилапарвар қилиб камол топтириш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, серқуёш ўлкамизнинг аҳоли гавжум вилоятларидан бири Андижонда бу борада бажарилаётган ишлар, ижобий ислоҳотлар, албатта, ўз самарасини беради. 1997 йили Булоқбоши туманида туғилган Жавоҳир Садиров бу йил тумандаги 21-умумтаълим мактабининг бошланғич синфларини тамомлаб, Президентимиз ташаббуси билан Андижон шаҳрида ташкил этилган футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқишга кирди. Футболни жон-дилдан севувчи Жавоҳир футбол мактаб-интернатига киришдаги барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, тенгдошлари қатори ушбу нуфузли даргоҳнинг биринчи ўқувчиси бўлганлигидан ҳақли равишда фахрланади.

— Мактаб-интернатимизнинг тантанали очилиш маросими ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди, — деди Жавоҳир илк таассуротлари билан ўртоқлашаркан. — Чунки ушбу қувончли тадбирда мактаб-интернатга қабул қилинган дастлабки қалдирғоч ўқувчилар номидан сўзга чиқиб, футболсевар ёшлар учун яратилган тўкис шароит, кенг имкониятлар учун Президентимизга миннатдорчилик билдирдим ҳамда бизга билдирилган катта ишончни оқлашга ваъда бердим.

Дарҳақиқат, Андижонда мазкур ихтисослаштирилган футбол мактаб-интернатининг ташкил этилиши нафақат вилоят, балки мамлакатимиз футболи ҳаётида катта воқеа бўлди. Мактаб-интернат иқтидорли ёш футболчиларни танлаб олувчи ва тайёрловчи маскан

бўлиб, ўз ўрнида спорт таълими вазифасини ҳам бажаради. Мактаб-интернатда умумий ўқувчилар сони 120 нафар бўлиб, ўқувчилар 4 йиллик бошланғич таълимни якунлагач, ўқишни спорт бўйича ўрта махсус ўқув юртларида давом эттиради. Ҳар йили бу ўқув спорт масканига 24 нафардан иқтидорли ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади.

Айни пайтда футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатдаги моддий-техник база халқаро талаб ва андозалар даражасида. Муҳташам ўқув биноси, кенг ва ёруғ зал, ўқув ва машғулот хоналари, замонавий, барча талабларга жавоб берувчи 3та футбол майдони, 100 нафар ўқувчига мўлжалланган ётоқхона ёш футболчилар хизматида.

Аббос Қаҳҳоров Андижон ихтисослаштирилган футбол мактаб-интернатининг энг аълочи, фаол, иқтидорли ўқувчиларидан бири бўлишга астойдил интилишини айтиб ўтди. У ҳам бу масканга ўқишга қабул қилинганидан жуда бахтиёр, албатта.

— Мактаб-интернатимиз очилиш кунида «Пахтакор» футбол клуби қошидаги футбол академияси ёш футболчилари билан ўртоқлик учрашуви ўтказдик. Ўйинда ҳисоб очилмаган бўлса-да, менга мусобақанинг энг яхши ўйинчиси сифатида футбол юлдузлари дастхати туширилган тўп совға қилинди. Худди чиройли гол ургандек хурсанд бўлиб кетдим. Келгусида Ўзбекистонимизнинг шаънини улуғлайдиган футболчи бўлишни орзу қиламан, — деди Аббос.

— Саидолим уч ўғлимнинг кенжаси, — дейди Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи Қаноатхон Темириддинова. — Уни маҳалламизда, мактабида бўлажак футбол юлдузи, дейишади. Чиндан ҳам унда ажойиб иқтидор бор. Саидолим махсус мактаб-интернатда таҳсил олиш учун ўтказилган барча синовлардан яхши ўтди. Бу ерда ўғлим каби футболга қизиққан болалар кўникмасини, маҳоратини ривожлантириш учун шароит етарли эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Бу албатта, истиқлол шарофати туфайлидир. Элу юртнинг шундай қувончли кунлари, тинч-осуда ҳаёти бардавом бўлишига сабабчи бўлаётган жонкуяр Президентимизга минг раҳмат. Мана, бу ёғига энди Миржалоллар Андижондан чиқади.

Футбол мактаб-интернати мураббийси Фарҳодбек Қодировнинг таъкидлашича, ўқув-спорт масканида барча машғулотлар жаҳон андозалари даражасида ташкил этиляпти. Жаҳоннинг энг етакчи жамоалари тенденцияга айлантирган замонавий тактикалар аста-секин мазкур илм масканида ҳам жорий этилиши режалаштирилган.

— Мамлакатимиз футболининг энг яхши томонлари, жаҳон футболи ютуқлари асосида тузилган дастурлар асосида ўқувчиларга футбол машғулотлари ўтказилади, — деди Ф.Қодиров. — Ўқувчилар назарий ва амалий машғулотлар билан бирга умумтаълим фанлари билан ҳам шуғулланади. Мактаб-интернат раҳбарияти, барча мураббий ва муаллимларнинг мақсади — битта: Ўзбекистонимиз футболи келажагини таъминлайдиган иқтидорли футболчилар тайёрлашдир.

Орифжон СИДДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Bolalar sporti

ИБРАТ — ТАРБИЯ АСОСИ

— Мардлик, бағрикенглик, ҳалоллик каби хусусиятларни ўзида жамлаган миллий спорт тури — кураш бўйича ўтказиладиган мусобақаларда жаҳон миқёсида эмас, аввало, Ўзбекистонда, хусусан, полвонлар юрти Амударёда ғолиб бўлиш керак, — деб шогирдларига сабоқ беради тумандаги 2-болалар спорт мактаби мураббийси Зулҳижжа Худоёрова. — Чунки диёримиз асрлар давомида тўю тантаналарда полвонларнинг кучи ва салоҳиятини шакллантирган кураш Ватанидир.

Ана шундай эзгу ниятлар билан ёш спортчиларга машғулотлар ўтказаётган мураббийнинг ўз фаолиятини бошлаганига у қадар кўп бўлгани йўқ. Лекин шогирдлари эришган ютуқлари ёш устознинг тиришқоқлиги ва фидойилигидан далолат беради.

1984 йили Манғит шаҳрида таваллуд топган Зулҳижжанинг оиласида курашга ўзгача меҳр, алоҳида қизиқиш бор эди. Тўйларда кураш тушиб юрадиган отаси ҳамда тоғаси Комил полвон 14 ёшдан кураш тўгарагига қатнай бошлаган Зулҳижжанинг спортга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлашди.

2000 йили спортчи қиз Нукус шаҳридаги Олимпия захиралари коллежига ўқишга кирди. Бу ерда ўрганган билимлари, машғулотларда ўзлаштирган кўникмалари уни мусобақаларда аста-секинлик билан ғолиблик шоҳсупаси томон бошлади. 2001 йили Бухоро шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида кураш бўйича олтин медални қўлга киритиб, жаҳон чемпионатига йўлланма олди. Илк ғалабалар Зулҳижжанинг ўзига нисбатан талабчанлигини янада кучайтирди. 2001 йили Россиянинг Тверь шаҳрида ўтказилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этиб, бронза медалини қўлга киритгач, спортга янада қатиқроқ боғланиб қолди.

Спорт йўналишидаги олий ўқув юртида таълим олишни орзу қилиб юрган спортчи қизга ўша йили март ойида ўтказилган мамлакат чемпионати айни муддао бўлди. Унда Зулҳижжа ўсмирлар ўртасида 3-ўринни эгаллаб, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабалигига имтиёзли равишда қабул қилинди.

— Ният қилган натижаларга эришолмаган пайтимда отам менга кўмакчи бўлишди. Дадам «Қанча мағлубиятга учрасанг ҳам, тинимсиз меҳнат қилсанг, кун келиб албатта, ғолиб бўласан», дейишдан чарчамайди. Шу боис, ҳар бир машғулот ва мусобақа олдидан ҳеч қачон машқларни ташлаб қўймаслигим кераклиги ёдимда туради.

Ана шундай ният билан ҳаракат қилувчи Зулҳижжа 2003 йили самбо бўйича Ўзбекистон биринчилигида 2-ўринни эгаллаб, Осиё чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Тошкентда ўтказилган Осиё биринчилигида эса бронза медалига эга бўлди. Булар ҳали ҳаммаси эмас эди. 2005 йили кураш бўйича ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида олтин медаль соҳибаси бўлиб, ўша йилги жаҳон чемпионати иштирокчисига айланди. Бугун Зулҳижжа мазкур мусобақани энтикиш билан эслайди. Негаки, кучлилар баҳсида унга омад кулиб боқди ва спортчи қиз 78 кг. вазн тоифасида жаҳон чемпиони бўлиш бахтига муяссар бўлди. Эътиборлиси, худди шу йил якунида унинг юксак натижалари муносиб баҳосини топиб, халқаро тоифадаги спорт устаси мақомини олди.

Устозлик масъулиятли, шу билан бирга машаққатли касб. Унинг масъулиятини елкага олиш учун болаларга, қолаверса, касбига муҳаббат бўлиши керак. Зулҳижжада эса олий ўқув юртида таълим олиш мобайнида мураббийлик касбига меҳр уйғонди.

— Институтда ўқиб юрган пайтимда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Омон Тоймуродовга ҳавас қилганман. Менинг жаҳон чемпиони бўлишимда ҳам унинг муносиб улуши бор. Не ажабки, бугун ўзим ҳам устозим каби мураббийман, — дейди З.Худоёрова.

Навбатдаги йилларда олий ўқув юртининг магистратура босқичида таълим олиш мобайнида ҳам мусобақаларда иштирок этишдан чарчамаган спортчи 2007 йили Олмаота шаҳрида белбоғли кураш бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида мутлақ вазнда учинчи ўринни эгаллади. Шундан сўнг ёш мутахассис мураббий сифатида Амударё туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида фаолият бошлади.

— Илк мусобақаларда мураббийлик тажрибаси етишмагани сабабли, шогирдларим мағлубиятга учради, — дейди Зулҳижжа Худоёрова. — Шундан сўнг «Мен ҳам бошқа мураббийлар каби бўла оламанку. Шогирдларим бошқалардан кам бўлмайди, — деган қатъий ният билан машғулотларга жиддий қарай бошладим.

Амударёлик полвон қизнинг ҳаракатлари бесамар кетмади. 2009 йили ўтказилган Ўзбекистон очиқ биринчилигида 2та кумуш, 2та бронза медаль билан қайтган шогирдлари ёш мураббийнинг кўнглини

икки йиллик тажрибага эга мураббий учун жуда катта натижа эканини алоҳида таъкидлаш зарур.

— Ҳозиргидан ҳам юқори натижаларга эришишга ҳаракат қилмоқдамиз, — деди З.Худоёрова. — Шогирдларимга қараб гоҳида орзуларим ҳам кўпайиб кетаётгандай туюлади. Ота-онам шогирдларим мусобақаларда ғолиб бўлса, мен билан қандай ғурурланган бўлса, улар билан ҳам шундай фахрланиб, ғалабаларидан қувониб ўтиради. Мана шу пайтда мураббийлик — устозликнинг нақадар юксак бахт эканини дилдан ҳис қиламан, барча машаққатларни унутаман.

Барчиной мисол шижоатли, кўнглига курашнинг олижаноблигию мардлигини юқтирган қаҳрамонимизнинг машғулотлардаги ўзига хос услублари, фаолиятига фидойилик билан ёндашишининг гувоҳи бўлдик. Ҳар бир мураббийнинг қувончи — шогирдларининг камоли бўлганидай айни кунда бир неча тарбияланувчиларни турли мусобақаларга тайёрлаётган мураббийнинг шогирдларига бундан-да баланд парвозлар тилаймиз.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Barkamol avlod — mamlakat kelajagi

АЖДОДЛАР ИБРАТИ – КАМОЛОТ ТАМАЛ ТОШИ

Ватани тарихини чуқур ўрганган, аждодлари билан фахрлана билган авлодгина эртанги кунга комил ишонч билан боқа олади. Шундай экан, ёшлар қалбида миллий ўзликни англаш ва миллий ғурурни қарор топтириш биз кўзлаган келажаги буюк давлат қуришнинг асосий омилларидан биридир. Шу боис мамлакатимизда бу борада қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида Имом Бухорий халқаро маркази ва «Тафаккур» нашриётининг қўшма лойиҳаси асосида чоп этилиб, кенг жамоатчиликка тақдим этилган «Мутафаккирлар» илмий-оммабоп рисолалар туркуми худди шу мақсадда олиб борилган амалий ишлардан бири бўлди.

Юртимизда байрам шукуҳи кезиб юрган кунларда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ушбу рисолалар тўпламининг тақдимот маросими уюштирилиб, унга республикамизда кўзга кўринган тарихшунос ва диншунос олимлар, адабиётшунослар, ОАВ ходимлари таклиф этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мазкур рисолалар ўқувчиларнинг дунё тамаддунига ўзининг залворли ҳиссасини қўшган қомусий олимларимиз, диний ва дунёвий илмда мутафаккир даражасига кўтарилган ота-боболаримиз ҳақида янада кенгроқ тушунчага эга бўлиши ва маънавий камолот йўлида улардан ибрат олишга ундаши билан катта хизмат қилажагини таъкидладилар. Шунингдек, буюк тафаккур соҳибларининг асарларидан сайланмалар нашр этиш, уларни чет тилларига таржима қилиш, электрон шаклини глобал тармоққа жойлаш, турли таълим муассасалари, ташкилот ва маҳаллаларда муаллифлар билан ўқувчилар ўртасида учрашувларни ташкиллаштириш ҳамда ОАВда тарғибот-ташвиқотини таъминлаш таклифи ўртага ташланди.

Дилшод КАРИМОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ЭҲТИРОМИМИЗ СИЗГА, УСТОЗЛАР!

Абдуллоҳ РАСУЛОВ,
каратэ бўйича Осиё чемпионати ғолиби,
қора белбоғ соҳиби

— Ҳар бир инсон учун энг азиз кишилар қуршовида бўлиш ҳақиқий бахт саналади. Чинакам бахт ҳақида сўз кетганда ота-она, ака-ука, яқин дўстлар қаторида энг улуғ зот — устозларни ҳам санамасдан иложимиз йўқ. Мактаб даврида синф раҳбаримиз Гавҳар опа Нишонованинг айрим ҳолларда қаттиққўлликларидан аввалларида хафа бўлардим. Кейин-кейин уларнинг қалблари меҳр нурига тўла эканини англаб етганман. Аслида мана шу койиш ортида ҳам пок қалб, эзгу мақсад, «болам, фарзандим» деб жон куйдириш ва қайноқ меҳр бор эканини ёшлик қилиб вақтида пайқамаган эканман. Биз ўқувчиларидан фақат яхшилик кутишини, ёмон иллатлардан холи, ақлли, яхши хулқли ва қобил фарзанд бўлишимизни истаб куйиб-ёнишларини улғайганим сари кўпроқ тушуниб етяпман.

Шунингдек, оналарча меҳр кўрсатадиган, эришган ҳар қандай ютуқларимиздан ўзида йўқ хурсанд бўладиган, биз фарзандларига фақат яхшиликни соғинадиган, келажагимиз тўғрисида айрим ҳолларда ўзимиздан-да кўпроқ қайғурадиган устоз-мураббийларимизнинг касблари нақадар оғир ва машаққатли, залворли ва масъулиятли эканини билдим.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами муносабати билан барча устозларни, жумладан, спортчи мураббийларимни ҳам чин қалбимдан табриклаб қоламан.



Газетанинг навбатдаги сони 2010 йил 6 октябрь, чоршанба куни чиқади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш йўлида меҳнат қилаётган иқтисодчи олимлар ҳамда ёш авлодни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаётган барча устозларни «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» умумхалқ байрами билан табриклаймиз! Барчага тинчлик-хотиржамлик, оилавий бахт-саодат тилаб қоламиз!

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!

«ELXOLDING»

ilmiy ishlab chiqarish birlashmasi

ELXOLDING

Таълим тизимида самарали меҳнат қилаётган барча устоз ва мураббийларни

1 октябрь — “ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ”

билан чин қалбдан табриклайди.

Барчангизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, баркамол авлодни тарбиялашдек шарафли ва сермашаққат ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз.

Сиз азизларга энг эзгу тилакларимизни йўллар эканмиз, тинчлик-хотиржамликдек улуғ неъмат юртимизда доимо барқарор бўлишини тилаб қоламиз. Мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги улуғвор ишларда барчага омад ва зафарлар ёр бўлсин!



Бизнинг манзил: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўч.,36

Телефонлар: +998 66 2342272 +998 66 2342513

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлар! Барчангизни байрам билан табриклар эканмиз, баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги сермашаққат меҳнат фаолиятингизга омад ва зафарлар тилаб қоламиз.

Республикамиз ва дунёнинг барча давлатларига Сизнинг почта жўнатмаларингизни тез ва ўз вақтида етказиб берамиз!

Почта алоқаси хизматидан фойдаланинг!

Телефон: (99871) 233-57-47, Факс: (99871) 236-09-21, E-mail: oao@post.uz, veb-sahifa: www.pochta.uz

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФАН ЎҚИТУВЧИЛАРИ

Машрабхон УМАРОВА, Тошкент шаҳридаги 144-мактаб бошланғич таълим ўқитувчиси.

Бибисора ХАСАНОВА, Тошкент шаҳридаги 118-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, «Йилнинг энг яхши педагоги».

Гулноза НУРМАТОВА, Тошкент шаҳридаги 288-мактабнинг она тили ва адабиёт фани муаллимаси.

Роза ТУРМУҲАММЕДОВА, Учтепа туманидаги 203-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

Шолпан БЎЛЕКБАЕВА, Томди туманидаги 10-мактабнинг қозоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

Хушруд БОҚИЕВ, Шаҳрисабз туманидаги 34-мактабнинг Иқтисодий билим асослари фани ўқитувчиси.

Алишер МАДРИЗАЕВ, Оққўрғон туманидаги 30-мактабнинг немис тили фани ўқитувчиси.

Зоя ЮГАЙ, Фарғона шаҳридаги 40-мактабнинг математика фани ўқитувчиси.

Шоҳида ЖЎРАЕВА, Ангрен шаҳридаги 34-мактабнинг физика фани ўқитувчиси.

Барно МУХТОРОВА, Андижон туманидаги 45-мактабнинг биология фани муаллимаси.

Феруза ЭРККУЛОВА, Мингбулоқ туманидаги 15-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси.

Ойбек ВАҲОБОВ, Тошкент туманидаги 9-мактабнинг чизмачилик фани ўқитувчиси.

Зиёда ИШМУРОДОВА, Сергели туманидаги 300-давлат ихтисослаштирилган мактабнинг мусиқа фани ўқитувчиси.

Шаҳноза МУҲАММЕДОВА, Тошкент шаҳридаги 240-мактабнинг география фани ўқитувчиси.

2011-YIL TAQVIMI

YANVAR						
Du		3	10	17	24	31
Se		4	11	18	25	
Ch		5	12	19	26	
Pa		6	13	20	27	
Ju		7	14	21	28	
Sh	1	8	15	22	29	
Ya	2	9	16	23	30	

FEVRAL						
Du		7	14	21	28	
Se	1	8	15	22		
Ch	2	9	16	23		
Pa	3	10	17	24		
Ju	4	11	18	25		
Sh	5	12	19	26		
Ya	6	13	20	27		

MART						
Du		7	14	21	28	
Se	1	8	15	22	29	
Ch	2	9	16	23	30	
Pa	3	10	17	24	31	
Ju	4	11	18	25		
Sh	5	12	19	26		
Ya	6	13	20	27		

APREL						
Du		4	11	18	25	
Se		5	12	19	26	
Ch		6	13	20	27	
Pa		7	14	21	28	
Ju	1	8	15	22	29	
Sh	2	9	16	23	30	
Ya	3	10	17	24		

MAY						
Du	2	9	16	23	30	
Se	3	10	17	24	31	
Ch	4	11	18	25		
Pa	5	12	19	26		
Ju	6	13	20	27		
Sh	7	14	21	28		
Ya	1	8	15	22	29	

IYUN						
Du		6	13	20	27	
Se		7	14	21	28	
Ch	1	8	15	22	29	
Pa	2	9	16	23	30	
Ju	3	10	17	24		
Sh	4	11	18	25		
Ya	5	12	19	26		

IYUL						
Du		4	11	18	25	
Se		5	12	19	26	
Ch		6	13	20	27	
Pa		7	14	21	28	
Ju	1	8	15	22	29	
Sh	2	9	16	23	30	
Ya	3	10	17	24	31	

AVGUST						
Du	1	8	15	22	29	
Se	2	9	16	23	30	
Ch	3	10	17	24	31	
Pa	4	11	18	25		
Ju	5	12	19	26		
Sh	6	13	20	27		
Ya	7	14	21	28		

SENTABR						
Du		5	12	19	26	
Se		6	13	20	27	
Ch		7	14	21	28	
Pa	1	8	15	22	29	
Ju	2	9	16	23	30	
Sh	3	10	17	24		
Ya	4	11	18	25		

OKTABR						
Du		3	10	17	24	31
Se		4	11	18	25	
Ch		5	12	19	26	
Pa		6	13	20	27	
Ju		7	14	21	28	
Sh	1	8	15	22	29	
Ya	2	9	16	23	30	

NOYABR						
Du		7	14	21	28	
Se	1	8	15	22	29	
Ch	2	9	16	23	30	
Pa	3	10	17	24		
Ju	4	11	18	25		
Sh	5	12	19	26		
Ya	6	13	20	27		

DEKABR						
Du		5	12	19	26	
Se		6	13	20	27	
Ch		7	14	21	28	
Pa	1	8	15	22	29	
Ju	2	9	16	23	30	
Sh	3	10	17	24	31	
Ya	4	11	18	25		

Ma'rifat | Ўқитувчи Узбекистана

газеталарига 2011 йил учун обуна бўлинг!

Обуна индекси:

Якка обуначилар учун — 149
Ташкилотлар учун — 150

Якка обуначилар учун — 216
Ташкилотлар учун — 217

ЭНГ УЛУҒ ВА ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИГА ЭҲТИРОМ

(Давоми. Боши 4-бетда.)

...Байрам куй-қўшиқлари давом этади.

Байрам шодиёналари давом этаётган бир паллада, устоз-мураббийларнинг хурсандчилигига шерик бўлиш мақсадида уларни суҳбатга чорладик:

Моҳира Абдураҳмонова, Оҳангарон шаҳридаги 5-умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси:

— Тинч ва осойишта мамлакатнинг байрамлари ҳам ўзгача. Икки кун муқаддам Оҳангарон шаҳридаги мактабгача ва умумтаълим муассасаларида меҳнат қилаётган 750 нафар ўқитувчи мураббийнинг тахминан 50 нафарига маҳаллий ҳокимият томонидан эсдалик совғалари топширилди. Ҳар ўқув йилининг дастлабки ойларида нишонланадиган касб байрамимизда бизга билдириладиган қутлов ва тилаклар оддий ўқитувчи сифатида ўз ишимга нисбатан меҳр-муҳаббатимни юз карра оширади.

Юнус Турсунов, Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактаби раҳбари:

— Қишлоқ ёшларига нисбатан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни мен фаолият юритаётган мусиқа ва санъат мактаби мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда 95 нафар ўқувчи 6 йўналиш бўйича ўз истеъдодини ривожлантириш имкониятига эга. Ўтган икки йил мобайнида мактабимизга 9 миллион сўмлик янги мусиқа асбоб-ускуналари келтирилди. Ота-оналар маблағи ҳисобидан бир неча кўринишда саҳна либослари тайёрланди.

Алёр янграйди. Қалбда эртанги кунингга ишонч мустаҳкам. Бу туйғулар шу куни барчага ҳамроҳ бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Пойтахтимизда бошланган умумхалқ байрами тантаналари вилоятлар, туман ва шаҳарлардаги таълим даргоҳларида, маданият саройларида, қишлоқ ва овулларда, оилаларда давом этади. Устозлар шаънига айтиладиган тилакларнинг адоғи йўқ, мактаб деб аталган илоҳий ва қудратли масканда ёш авлод таълим-тарбиясига ҳаётини бағишлаган инсон ҳар қандай юксакликка муносиб.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Суратларда: «Туркистон» саройида бўлиб ўтган байрам тантанасидан лавҳалар акс этган.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ ва Владимир ГРАНКИН олган суратлар.

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O‘zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O‘zbekiston Oliy va o‘rta maxsus ta'lim vazirligi, O‘zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o‘rinbosari), Ulug‘bek TOSHKENBOYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o‘rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro‘yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-822.
Tiraji 27881.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog‘oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Nargiza IBROHIMOVA.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko‘chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.
(M) belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o‘rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo‘limi — 236-53-16, fan, oliy va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo‘limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo‘limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo‘limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo‘limi — 236-55-58, reklama va marketing bo‘limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko‘chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.00
ЎзА якуни — 21.30